

Best Soft Uzbekistan 2013

анъанавий дастурий маҳсулотлар форум-кўргазмаси



Шу йилнинг 15-16 май кунлари "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида Ўзбекистон софтвер соҳасидаги энг йирик воқеа — Best Soft Uzbekistan 2013 анъанавий дастурий маҳсулотлар форум-кўргазмаси бўлиб ўтди.

Еттинчи бор ташкил этилган мазкур йирик тадбир одатдагиданда кенг кўламли бўлиб, унда бизнес-жамоатчилик ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари ҳам, кенг аҳоли қатламларига ҳам мўлжалланган республика софтвер саноатининг ютуқлари намойиш этилди. Бу йил форум-кўргазманинг асосий йўналишлари мамлакатда "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш ва миллий дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришга қаратилгани алоҳида эътиборга молик. Тадбирларда нафақат мамлакатимиз вакиллари, балки ахборот технологиялари юксак даражада ривожланган мамлакатлар мутахассислари ҳам ўз тажрибалари билан иштирок этдилар.

2-3-бетлар


Алоқа оламида

Япония 1 эксафлоп / сония тезликдаги компьютер чикармоқчи.

Бир пайтлар

"кунчиқар мамлакат"нинг Fujitsu K суперкомпютери жаҳоннинг TOP-500 рейтингига чўққисига кўтарилган, аммо сал ўтмай АКШнинг Titan ва Sequoia компютерлари бу баҳсда уни махв этишганди. Воқеаларнинг бундай ривожини, табиийки, японларни қониқтирмасди.

"Асахи Шимбун" газетаси таркатган хабарга таянадиган бўлсак, японларнинг бу галги компютери 2011 йилги Fujitsu Кдан 100 чандон кудратли бўлади. Тақдироти 2020 йилга мўлжалланган истиқболли компютер учун Япония бюджетидан 110 млрд. иена (1 млрд. доллар атрофида) маблағ ажратилган.



Ушбу сонда:

- Ахборотлаштириш "пойгаси" 4
- Очик ва ошкора фаолият 5
- Практика внедрения ИКТ 6
- Мактабларда электрон дарсликлар 11
- "Central Asia-2013" 7-Халқаро анжумани таассуротлари 12
- Касбга садоқат бор жойда 14

Jumadan
Jumagacha

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбар қўйди ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашди.

Испаниянинг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси (корроги Москвада) сифатида қайта тайинланган Хосе Игнасио Карбахал Гарате Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида қабул қилинди. У Ўзбекистон Республикаси Президентига йўлланган ишонч ёрликларини тошширди.

Жойларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари), масъул котиблари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси раҳбарлари учун ўқув-семинарлари бўлиб ўтаётди. Ана шундай ўқувлар Жиззах, Самарқанд, Хоразм, Навоий, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилди.

Мамлакатимизда давом этаётган Европа кунлари доирасида пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида "Европа Ўзбекистон авангард рассомлари нигоҳида" мавзuida кўرғазма очилди. Кўрғазма Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Европа Иттифоқи делегацияси кўмағида Игор Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи томонидан тайёрланган. Унда Европа мамлакатлари маданияти ва ҳаётини акс эттирган тасвирий санъат асарлари намойиш этилмоқда.

Самарқанд шаҳрида халқаро флорачилар семинари бўлиб ўтди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Флорачилар миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган "Кўхна Самарқанд — фераза осмон каби мовий илҳом булони" мавзuidaги маъруза семинарда юртимиз флорачилари билан бирга бир қанча хоризжий ижодкорлар ҳам қатнашди. Семинар якунида Регистон майдонидagi Улуғбек мадрасасида хорижлик сайёҳлар, санъатшунос ва рассомлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида флорачилар томонидан ишланган асарлар кўрғазмаси ўтказилди.

Марказий Осиё мамлакатлари талабалари ўртасида ўтказилган япон тили нотиклиги санъати танловидан ҳамюртимиз, Тошкент Давлат юридик институтининг иккинчи босқич талабаси Аҳаджон Ҳакимов биринчи ўринни эгаллади. Олмаота шаҳрида ўтган ушбу танловда Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан маъруза тилни чуқур билладиган ўттизга яқин йилит-қиз иштирок этди. Танловда ўзбекистонлик талабалар умумжамоа ҳисобида ҳам биринчи ўринни эгаллади.

Тошкентда замонавий қулайликларга эга яна бир янги "Болажон" истироҳат боғи ишга тушди. Қарийб беш гектар майдонни эгаллаган боғда уч мингдан кўпроқ манзарали дарахт мавжуд. Бу ерда болакайлар учун турли аттракционлар, эртақлар майдончаси барпо этилган. Шахмат, шашка, стол тенниси билан шуғулланиш имконияти яратилган. Боғни оилаларнинг севили дам олиш масканига айлантириш, болалар ва ёшлар учун турли маданий-маърифий тадбирлар, хайрия акциялари ўтказиш режалаштирилган.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Матбуот
анжумани

Best Soft Uzbekistan 2013 анъанавий дастурий маҳсулотлар форум-кўрғазмаси анъанавий матбуот анжумани билан бошланди. Унда тадбир ташкилотчилари журналистларга мамлакатимиз софтвер саноатининг йирик воқеаси ҳақида керакли маълумотларни бердилар.

— Бу йилги кўрғазма ва форум аввалги йиллардагига нисбатан кенгайтирилган тартибда ўтказилди, — деди Ўзбекистон АТ-ассоциацияси ижрочи директори Илҳом Абдуллаев. — Унинг қамровидан нафақат кўрғазма ва форум, бир қатор семинарлар, давра суҳбатлари, ярмарка ва маросимлар ўрин олган. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, дастурий маҳсулотлар саноати — бу фақатгина дастурларни ишлаб чиқариш эмас, унинг амалиётга жорий этилишидир. Чунки фойдаланилмаган дастурий маҳсулот шунчаки кодлар йиғиндиси бўлиб қолаверади. Best Soft Uzbekistan 2013 кўрғазмасида амалда фойдаланилаётган бир қатор муҳим ишланмалар билан танишиш имкони бўлади.

Очилиш
маросими

Кўрғазма ва форум очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Шерматовлар сўзга чиқшиди.

— Ривожланган жамиятларда ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқариш ва жорий этиш устувор аҳамиятга эга, чунки жамиятнинг ҳеч бир тармоғи автоматлаштириш ва компютерлаштиришсиз муваффақиятга эриша олмайди, — деди Ш.Шерматов. — Бу, ўз навбатида, тегишли дастурий таъминотни ривожлантиришга даъват этади. Бой илмий ва техник салоҳиятга эга давлат сифатида Ўзбекистон ҳам ахборот технологияларини ва унинг тарқибий қисми бўлмиш дастурий таъминотни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, мамлакатимиз ҳукумати томонидан солиқ юқини камайтириш ва ушбу тармоқ тараққиётига қўмак бериш мақсадида амалдаги қонунчиликни мониторинг қилиш ва мунтазам равишда такомиллаштириб боришни ўз ичига олган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов жорий йилнинг 18 январ куни Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқида "...Биз қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишининг қўллаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур", деб таъкидлаб ўтди. Шу нуқтан назардан бу йилги Best Soft Uzbekistan 2013 тадбирларида АКТни ривожлантиришнинг илғор мамлакатлар тажрибасига, айниқса, "Элек-



Best Soft

анъанавий дастурий

трон ҳукумат" тизимини жорий этилишига, давлат органлари томонидан кўрсатиладиган интерактив хизматларни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада жаҳонда етакчи бўлиб турган Корея Республикасининг тўртта йирик компанияси кўрғазмада ўз стандартлари билан иштирок этаётгани ҳам фикримиз далоли бўлади.

Форум

Тадбирлар ўтадиган асосий мажлислар залида Best Soft Uzbekistan 2013 дастуричлар форуми ва "Давлат органлари томонидан аҳоли ва хусусий секторга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш истиқболлари" мавзuidaги илмий-техник конференция ташкил этилди.

Форумда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасидаги етакчи мутахассислар йиғиндилар. Экспертлар маъруза соҳадаги сўнгги ютуқлар ва ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Форум иши уч секцияда олиб борилди.

Биринчиси, "Электрон ҳукумат" концепцияси: халқаро тажриба, уни амалга ошириш йўллари ва шакллари секциясида Корея Республикаси тажрибаси юзасидан маърузалар қилинди. Кореялик экспертлар ўз чиқишларида "Электрон ҳукумат"ни жорий этиш концепциялари ҳақида маълумот бердилар.

Иккинчиси — Ўзбекистон "Электрон ҳукумат" концепцияси: интерактив давлат хизматларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш секциясида мамлакатимизда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар, олинди турган вазифалар муҳокама этилди. Жумладан, вазирликлар ва идораларнинг "Давлат солиқ қўмитаси тизимида, жумладан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига интерактив хизматларни тақдим этишни таъминловчи замонавий АКТни жорий этиш", "Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Миллий интеграциялашган ахборот тизими — Ўзбекистон Республикаси "Электрон соғлиқни сақлаш" лойиҳасининг ривожланиш асоси сифатида", "Давлат харидлари тизимини замо-

навий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали ривожлантириш натижалари", "Статистик ахборотни йиғиш ва қайта ишлашда интерактив хизматларни тақдим этиш" каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

Форумнинг иккинчи кунига белгиланган учинчи — Софтвер саноати ривожланишининг тенденциялари ва истиқболлари: IT-таълим, дастурий муҳандисликнинг кадрлар билан таъминланиш секциясида мамлакат миллий маълумотлар ривожланиш ва истиқболлари, бу йўналишда кадрлар тайёрлаш масалалари ҳақида сўз борди.

Мутахассисларнинг эътирофига, форумни ўтказишдан қўзғалган мақсад дастурий таъминот соҳасидаги янгиликлар билан танишиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш борасидаги етакчи мутахассислар билан тажриба алмашиш, "Электрон ҳукумат" шаклланиши ва ривожланиши масалаларини кўриб чиқиш, мамлакатда дастурий таъминот соҳасини институционал қўллаб-қувватлаш, унинг ривожланиш жараёнларининг меъёрий-ҳуқуқий таъминоти бўйича таклифларни муҳокама этиш ва ишлаб чиқиш, шунингдек, IT-мутахассисларни тайёрлаш масалаларини муҳокама қилишдан иборатир.

Кўрғазма

Жорий йилги кўрғазмада хусусий ва халқаро компаниялар билан бирга давлат органлари ҳам фаол катнашдилар. Улар ўз фаолиятларида АКТни жорий этиш ҳолати, жумладан, аҳоли ва бизнесга тақдим этилаётган интерактив давлат хизматларини ривожлантириш ҳақида маълумот бердилар.

Агар ўтган йил кўрғазмада 40та миллий дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар катнашиб, 80дан ортиқ ишланмалар тақдим этган бўлсалар, бу йилда қарийб 60та компания қатнашди, улар тахминан 120га яқин ишланма намойиш этадилар. Кўрғазма стандартларининг умумий майдони 600 кв. метрни ташкил этди. Кўрғазмада намойиш этилган эътиборга молик лойиҳалар, ўзига хос стандартлар ва ишланмалар ҳақида газетамизнинг Э-саҳифасида батафсил хикоя қиламиз.

Ўзбекистон АКТ бозорида 2004 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Еш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази соҳада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Марказ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ўнлаб дастурий маҳсулотлар вазирлик ва идоралар, давлат ҳамда жамоат ташкилотларида муваффақиятли қўлланилмоқда. Мамлакатимиздаги илк "Dorrix" амалиёт тизими, бухгалтерия ва кадрлар бўлими иштини автоматлаштириш учун мўлжалланган "UZTO", объектларга ташриф буюрувчиларни рўйхатга ва ҳисобга олиш, назорат қилиш учун "BuyurtmaData", сугурта компанияларида иш жараёнларини автоматлаштиришга қаратилган "SugurtaData" ва бошқа

Янги бренд остида

дастурулар шулар жумласидандир. Марказ турли соҳалар учун мутахассислар тайёрлашга ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Ўтган йиллар мобайнида махсус ўқув марказида етти мингдан ортиқ киши ўқитилди. Еш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази кўрғазмага янги бренд билан ташриф буюрди. Бундан буён у "BePro" дастурчилар маркази деб аталади. Марказ логотипи ўзгариши баробарида матбаа маҳсулотларини безаш янгиланди, bepro.uz манзили бўйича янги сайт иш бошланди.



Uzbekistan 2013

маҳсулотлар форум-кўрғазмаси

Бу йилги кўрғазмада "Электрон ҳукумат" тизимининг жорий этилишига алоҳида урғу берилмоқда. UZINFOCOM маркази стендида мазкур тизим унсурлари ташриф буюрувчилар эътиборига тақдим этилди.

— E-kommunal.uz портали ҳамда ID.UZ тизимини бемалол "Электрон ҳукумат" унсурлари сифатида эътироф этиш мумкин, — дейди UZINFOCOM маркази ходими Евгений Скляревский. — Кўрғазмада портал мутахассислари унинг имкониятлари ва қулайликлари ҳақида ташриф буюрувчиларга маълумот беришди. ID.UZ тизими анча вақтдан буён мавжудлигидан кўпчиликнинг хабари бор,

"Электрон ҳукумат" афзалликлари

аммо яқинда у қайтадан ишлаб чиқилди ва бир қатор кўшимча функцияларга эга бўлди. UZINFOCOM маркази яна бир қатор лойиҳаларни тақдим этди. Бир неча кун олдин ишга туширилган bepul@mail.uz почта сервиси ҳам диққат-эътиборда бўлди. TAS-IXда ишловчи мазкур электрон почта Ўзбекистондаги энг йирик маҳаллий почта сервисларидан бирига айланиши кутилмоқда. Ziyonet порталида "Хоржий тиллар" бўлими очилганига кўп бўлгани йўқ. Аммо ундан фойдаланувчилар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Раъно ХЎЖАЕВА, Ziyonet ресурс

марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими 1-тоифали мутахассиси: — Ziyonet ресурс марказида айни пайтда инглиз тили ва ахборот технологияларини мувофиқлаштиришга катта эътибор қаратилляпти. Таълимнинг замонавий усуллари интерактивликни, ўз-ўзидан ахборот технологияларидан кенгрок фойдаланишни кўзда тутаяди. Кўрғазмада Ziyonetда бу борада қилинган сўнги янгилликлар, уларнинг афзалликлари ҳақида атрофлича маълумот берилляпти. Марказ ходимлари кўрғазма давомида бир қатор акция ва тадбирларни ҳам ўтказишди.

INTERVYU-XABAR

Жиемурат МАМБЕТКАРИМОВ,
Давлат солиқ қўмитаси
Янги технологиялар илмий-ахборот маркази бўлим бошлиғи:

— Марказимиз 1995 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида солиқ ва божхона тизимлари учун дастурий маҳсулотлар яратиш мақсадида ташкил этилган. Ўтган давр мобайнида Давлат солиқ қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланган янги ишланмалар BEST SOFT UZBEKISTAN кўрғазмаларида мунтазам намойиш этиб келиняпти. Бу сафар тадбирга "SMS-солиқ", "Электрон калкулятор" ва "Жисмоний шахсларга солиқ бўйича маслаҳатчи" хизматларини тақдим этияпмиз. Буларнинг барчаси солиқ тўловчиларга қулайлик яратади, вақтини тежайди, турли тушунмовчиликларнинг олдини олишга яқиндан ёрдам беради.

Ҳикматулло НАСРУЛЛАЕВ,
BukharaSoft компанияси
бош менежери:

— Муस्ताқиллик йилларида Бухорода янги авлод дастурчилари пайдо бўлди, уларнинг иштирокида ўнлаб дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилиб, мамлакатимиз бўйлаб татбиғини топди. 2001 йили энг истеъдодли ва сермахсул дастурчиларни йиғиб, BukharaSoft компаниясига асос солинди. Ўтган ўн йилдан ортиқ давр мобайнида 200дан зиёд дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқдик, уларнинг кўпи республика бўйича жорий этилган. Хусусан, "Ижро интизоми назорати", "Тақдирлаш", "Ғалла", "Пахта", "Агро-иктисод", "Агро-кредит", "Кадр-3, 4, 5" дастурий маҳсулотлари кенг миқёсда амалиётга татбиқ этилди. Бу йилги кўрғазмада бта янги ишланмаимизни ҳавола этияпмиз, булар: "Кадрлар-5 корпоратив ахборот тизими", "Корпоратив бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими", "SMS-информатор автоматлаштирилган тизими", "Давлат хизматчиларининг компютер саводхонлигини ошириш бўйича масофавий таълим тизими", "Электрон ҳисоб тизими"дир.

UZDISK — TAS-IX зонасида файлларни сақлаш ва синхронлаш бўйича биринчи булут сервис

UZINFOCOM маркази ва OLSOFT компаниялари ҳамкорлигида жорий этилаётган мазкур лойиҳа, унинг раҳбари Дмитрий Хайкиннинг айтишича, айни пайтда синондан ўтказилляпти. Сервис шахсий ҳужжатлар, медиафайллардан мобил телефон ёки TAS-IX зонасида юқори тезликдаги интернет орқали фойдаланиш имконини беради. Маълумки, компютердаги ҳамма маълумотни дискет ёки флешкага кўчиришнинг иложи йўқ, қолаверса, уларни йўқотиб қўйишдан ҳеч ким кафолатланмаган. Мазкур сервис ёрдамида керакли маълумотларни компютердаги махсус папкага сақлаш ва UZDISK-иллова ўрнатилган исталган қурилма орқали исталган жойда ёки сервиснинг веб-сайти орқали фойдаланиш мумкин.



Корейс "гигантлари" Тошкентда

Жанубий Корея — ахборот технологияларини ривожлантириш, хусусан, электрон ҳукумат лойиҳаси бўйича яқин ҳамкоримиз. Мазкур кўрғазмада илк маротаба Корея Республикасининг тўртта номдор компанияси қатнашди: кўрғазмага кираверишда мехмонларнинг кўзи биринчи галда Korea Telecom, Samsung SDS, LG CNS, SK с&с логотипларига тушган бўлса аҳтимоли. Ҳамкорларимиз электрон ҳукумат жорий этиш, телекоммуникация, почта, логистика, транспорт ва бошқа қўллаб соҳаларга доир бой тажрибалари билан ўртоқлашди. — Компаниямиз тарихи узоқ — 20 йил давомида Жанубий Кореяда электрон ҳукумат жорий этишда иштирок этганмиз, — дейди Samsung SDS компаниясининг ижтимоий бизнесни ривожлантириш бўйича бош менежери Жунг Хен Чанг. — Мазкур тизим, унинг афзалликлари, жорий этиш усуллари билан кўрғазма мехмонлари, ўзбек мутахассисларини бохабар қилляпмиз. Айниқса, компаниямизда ишлаб чиқарилган "электрон фуқаро" ва "электрон давлат маълумотлари" хизматларига талаб катта бўлиб, улар электрон ҳукумат тизимининг негизини ташкил этади.

Электрон автомактаб

Ахборот технологияларининг тараққий этиши таълимни машаққатли жараёндан завқли машғулота айлантираётгани рост. Масалан, Avtotest герот компанияси кўрғазмада тақдим этган "Электрон автомактаб" ўқув-қўлланма дастурини олайлик. Дастур йўл ҳаракати қоидаларини тез ва осон ўрганишга ёрдам беради. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙХХББ томонидан тасдиқланган синов тестлари ёрдамида ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш имтиҳонларига мазкур электрон қўлланма ёрдамида сифатли тайёрланиш мумкин. Қизиқувчилар электрон қўлланманинг демо-шаклини компания сайти (avtotest.uz)дан кўчириб олишлари мумкин.

Қўшаҳифа материалларини Л.ТУРСУНОВ ва С.АҲАДОВлар тайёрлашди

Xalqaro
hayot

ПОКИСТОНга энди "Муеулмонлар лигаси" етакчиси Наваз Шариф раҳбарлик қилади. Қўшни давлатларнинг раҳбарлари мамлакатнинг янги ҳукуматини қўллаб-қувватлашмоқда. Exit poll келтирган маълумотларга қараганда, Шарифнинг партияси бир партияди маҳкамани шакллантириш учун етарлича овоз тўплаган. Ҳиндистон бош вазири Манмохан Сингх Покхистон-Ҳиндистон муносабатларида янги давр бошланганига умид қилишини айтиб, "Муеулмонлар лигаси" етакчисини Ҳиндистонга ташриф буюришга чақирди. Афғонистон президенти Ҳамид Карзай, ўз навбатида, террорчиларнинг бошпаналарини йўқотишда Покистон билан ҳамкорликка ишонч билдирди.

ЖАНУБИЙ ХИТОЙда бир ҳафтадан бери ёваётган ёмғир оқибатида 19 киши қурбон бўлган ва яна бир киши бедарак йўқолган деб эълон қилинди. Маълумотларга қараганда, мамлакатнинг 204 шахар ва уездларида истиқомат қилаётган 3,47 млн. хитойлик ноқулай об-ҳаво сабабли азият чеккан. Зарурий буюмларидан маҳрум бўлган 187 минг киши кўчирилишга муҳтож.

Гуанси-Чжуан автоном туманлари, Хунан ва Гуичжоу провинцияларига жуда жиддий шикаст етган. Мамлакатнинг тўғридан-тўғри иқтисодий зарари ҳозирда 1,8 млрд. юан (290 млн. доллар)га баҳоланмоқда. Зарар кўрган туманларга инсонпарварлик юклари жўнатилмоқда.

МЕКСИКА яқиндаги Белиз давлатида жойлашган қадимий Майя қабиласининг энг баланд пирамидаси булдозер ва экскаваторлар ёрдамида бузиб ташланди. Маълумотларга қараганда, қурилиш компанияси унинг ўрнига йўл қурмоқчи бўлган.

"Бундан 2300 йил илгари барпо этилган Номул тарихий ёдгорлигининг бузиб ташланганини қандай шарҳлашни билмайман, чунки бу ваҳшийлик, бу маданиятга туپуриш билан баробар, бу ишни қилганларни виждонсизлар деган бўлардим", — деган Белиз археология музейи институтини директори Хайме Эйвдейди Хайме.

Белизнинг шимолида жойлашган асосий тарихий ёдгорликлардан бири ҳисобланган ушбу пирамида гарчи хусусий ер майдонида жойлашган бўлса-да, давлат ҳимоясида бўлган. Мамлакат полицияси мазкур қурилиш компаниясига қарши суриштирув ишhini бошлаб юборган.

ЧИТАда 15 ёшли ўсмир интернет йўқлиги учун ўнинчи қаватдан сакради. Мактаб ўқувчиси ҳозир шифохонанинг жонлантириш бўлимида. Шифокорларнинг айтишича, у даракт устига тушиб, шохга осилиб қолган. Маълумотларга қараганда, ўсмир ота-онаси интернетдан фойдаланишни тақиқлагандан сўнг ўз жонига қасд қилган.

АҚШнинг Луизиана штатининг Янги Орлеан шаҳрида "Оналар куни"га бағишлаб бўлиб ўтган парад чоғида номаълум шахслар томонидан отишма содир этилди.

Хабарларга қараганда, тадбирда қарийб 300 киши қатнашган, қутилмаган бахтсиз ҳодиса оқибатида ўн тўққиз нафар одам жароҳатланган. Зиён кўрганлар орасида ёш болалар ҳам борлиги айтилмоқда. Мутахассислар жароҳатлар хавфли эмаслигини таъкидлашяпти. Айни вақтда мамлакат полиция ходимлари жиноят содир этган уч нафар гумондорни изламоқда. Ушбу ҳолат бўйича гувоҳлар сўроққа тўғилиб, видеокузатув камераларидаги ёзувлар текшириляпти. АҚШ ҳукуки муҳофаза қилувчилари мазкур ҳодиса террорчилик ҳаракати эмас, оддий кўча зўравонлиги эканини таъкидлашган.

Ахборотлаштириш "пойгаси"

Бутунжаҳон иқтисодий форуми таҳлилчилари мамлакатларнинг ахборот технологиялари ривожланиш даражаси рейтингини тузишди. Мазкур рўйхатга 144 мамлакат киритилган.



Тармоқ тайёргарлиги индекси-2013

Экспертларнинг таъкидлашича, бир томондан, сайёраимизда ўзаро алоқалар кучайиши кузатилаётган бўлса, яна бир томондан "рақамли тенгсизлик" ўсиб бормоқда. Мобил қурилмалар, интернет ва медиа воситаларнинг ер юзи бўйлаб "яшин тезлигида" тарқалиши иқтисодиётнинг барча соҳалари ва жамиятда туб ўзгариш ясади. Ҳамкорлар ахборот алмашиши учун энди санокли дақиқалар кифоя. АКТнинг тараққий этиши мамлакатларнинг рақобатбардошлиги ошиши, аҳоли фаровон яшашига хизмат қилапти. Шундай экан, ҳар бир мамлакат ҳукумати технологияларни жорий этишга иқтисодий ўсиш режасининг ажралмас, муҳим қисми сифатида ёндашсалар айлн максатда мувофиқ бўларди, дейишмоқда таҳлилчилар.

№	Мамлакат	Балл
1	Финляндия	5.98
2	Сингапур	5.96
3	Швеция	5.91
4	Нидерландия	5.81
5	Норвегия	5.66
6	Швейцария	5.66
7	Буюк Британия	5.64
8	Дания	5.58
9	АҚШ	5.57
10	Тайван	5.47
	BRIC мамлакатлари	
54	Россия	4.13
58	Хитой	4.03
60	Бразилия	3.97
68	Ҳиндистон	3.88

АТ-хабарлар



● **Samsung Electronics** бешинчи авлод (5G) тармоқлари учун муҳим технологиялар мажмуасини ишлаб чиқишга киришди. Компания тайёр қурилмаларни 2020 йилдан сотишни бошлашни режалаштирган. Компания вакилларининг айтишича, янги симсиз тармоқ ҳозирги LTE тармоқларига нисбатан маълумотларни янада тезроқ узатади. Масалан, 5G орқали тўлиқ форматли HD-филмни атиги 1-2 сонияда кўчириб оلسа бўларкан.

● **Уруш ва нотинчликлар гирдобиди яшаётган Сурияда ўтган ҳафта бир сутка мобайнида интернет ишламади. Бунга магистрал кабеллардоғи узилиш сабаб бўлган.**

Relesys интернет-мониторинг компанияси хабар тарқатишича, Сурия интернетни ташқи дунё билан урта сув асти кабелли орқали боғланган ва бу алоқани биратўла узашга фақатгина атайин уюштирилган ҳужум қодир.

Интернет-блокада чоғи Сурия ташкилотлари 708та домен номи назоратини йўқотиб қўйишди — доменлар Американинг Network Solutions доменларни рўйхатга олувчисидан қайта рўйхатдан ўтган.

● **Кибержиноятчилар банк карталаридаги 45 млн. долларни ўзлаштиришган. Бир неча мингта дебет карталаридаги маълумотларни ўзлаштирган хакерлар 27 мамлакатда жойлашган банккоматлардан пулларни "ечиб" олишган: бунинг учун бир неча соат кифоя қилди.**

Жабранувчилар Яқин Шарқнинг икки банки: Rakbank (БАА) ва Bank of Muscat (Уммон).

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА БИЗНЕС

Cisco компанияси ахборот технологияларининг бизнесга таъсирига оид халқаро тадқиқоти натижаларини маълум қилди (2013 Cisco Global IT Impact Survey). Унда 13 мамлакат (Австралия, Бразилия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Испания, Канада, Хитой, Мексика, Россия, АҚШ, Франция, Япония)дан 1300 нафар компанияларнинг ахборот технологиялари (АТ) бўлим бошлиқлари қатнашган.

Респондентларнинг 63 фоизи АТ ва бизнес бир-бирдан ажралмас тушунча деса, 27 фоизи уларнинг ўртасида катта тўсиқ мавжудлигини билдирган.

Ахборот технологиялари ва интернет бизнесни юриштиришнинг муҳим унсори — сўралганларнинг 78 фоизи буни инкор этмайд.

АТ ва бизнес ўртасида муносабатлар мустаҳкамланмоқда, аммо қарорлар қабул қилишда ҳар доим ҳам АТ-бўлимлар билан ҳисоблашмайди. Сўровда катнашганларнинг 38 фоизининг фикрича, АТни режалаштириш ва жорий этиш ишларидан улар ҳаммадан кейин хабар топишади.

Раҳбариятнинг АТ-бўлимларга муносабати ҳам қизиқарли. Респондентларнинг 36 фоизи уларни новаторлар деб ҳисоблашларини билдирди, 34 фоизи — координаторлар, 15 фоизи — "ўт ўчирувчилар", 7 фоизи — "арвоҳлар", яна шунчаси ўзларини оркаворддан "фолбинлар" деб аташларини айтишган.

"Ўзингизнинг яхши ишлаётганингизни қандай аниқлайсиз?" Бу саволга 26 фоиз киши шикоятлар тушмаслиги уларнинг ишига берилган баҳо эканини айтишса, 23 фоизи бунга ўзига хос жавоб беришган: "Ишимни тўлиқ ақуладим, энди уйга кетсам ҳам бўлади".

Янги иловаларни жорий этиш йўлидаги асосий тўсиқлар сифатида 34 фоиз респондент бюджетдаги чекловларни, 26 фоизи маълумотлар алмашиш марказлари ва булутли сервислар инфратузилмасининг шай эмаслиги, интернет тезлигининг етарли эмаслигини сабаб қилиб келтирган.

Ўтган йилнинг энг мураккаб ахборот-технология ташаббуслари сифатида кўпчилик иловаларни булутли сервисларга ўтказишни (респондентларнинг 40 фоизи) ва маълумотларга ишлов беришни виртуаллаштиришни (38 фоиз) эътироф этган.

Маълумки, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳисобланади. Бунинг учун, энг аввало, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятидаги очиқлик ва ошқораликни таъминлаш, аҳолини олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг бориши тўғрисида мунтазам хабардор қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Мухтарам Президентимиз томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да ана шу мақсадларга йўналтирилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш таклиф этилган эди.

Мазкур қонун лойиҳасининг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, асосий вазифалари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинадиган қарорлар учун жавобгарлигини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг улар фаолияти тўғрисидаги ахборотдан кенг фойдалана олишларини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олишига бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш шаклларини кенгайтириш, жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида хабардор қилиш тартиб-таомилларини белгилаш назарда тутилган.

Қонун лойиҳаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-



Очиқ ва ошқора фаолият

Фуқаролик жамиятининг муҳим омили

лиги соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича миллий ва хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилгани, бунда, авваламбор, ҳар кимнинг давлат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилгани билан диққатга сазовордир.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ва ҳаётга жорий этилиши мамлакатимиз ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида фикрлар хилма-хиллиги принципіга амал қилган ҳолда давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, амалга оширилаётган ислохотлар, ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг шаффофлигини тўлиқ таъминлаш имконини яратиши. Шу билан бирга, фуқаролар ва жамоатчиликни давлат органларининг фаолияти ҳақида хабардор қилиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тегишли бўлган қарорларнинг ошқоралиги ва очиқлиги таъминланади. Давлат органлари томонидан тарқатиладиган расмий ахборотдан ҳамма кенг фойдалана олишига етарли ҳуқуқий кафолатлар ҳам яратилади.

Яна шуниси аҳамиятлики, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат ва жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари, медиа-структуралари фаоли-

ятининг фаоллашишига кўмаклашади. Яъни, фуқароларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида объектив, тезкор, ҳолис, ҳаққоний ва янада тўлиқ хабардор қилиш ҳамда бу органлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари кенгайди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали турли медиа махсулотларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш йўли билан жамоатчилик онгидида мамлакатда турли соҳаларда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тўғрисидаги ижобий тасаввурлар ва объектив фикрлар шаклланади.

Айни вақтда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад эса қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш ва маромига етказиш, энг муҳим ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг ечимини топиш юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари олиб бораётган фаолиятдан фуқароларнинг хабардорлигини ошириш, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва

ролини янада мустаҳкамлаб қўйишидир.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, ушбу қонун лойиҳасини ҳар икки вилоятда синовдан ўтказиш жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, нодавлат иттиҳорат ташкилотлари ҳамда уларнинг фаолияти ҳақида ахборот олишдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий тажрибадан ўтказилаётгани бир қатор халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертлар томонидан қонун ижодкорлигининг замонавий усулларидан бири сифатида юқори баҳоланаётганини эътироф этиш жоиз. Зеро, мамлакатимизда илгор демократик давлат барпо этиш, ижтимоий ҳаётимизни демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига очиқлик, ошқоралик бериш орқали улар ишнинг самарадорлигини ошириш, фуқаролар ҳаётига дахлдор масалалар бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, пировардда, ушбу қонун лойиҳасига аниқ, асосли таклиф ва тавсиялар олишда мазкур ҳуқуқий тажриба бекиёе аҳамият касб этади.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

"ПАРЛАМЕНТАРИЗМ БИЛИМДОНИ-2013" ТАНЛОВИ БОШЛАНДИ

Азиз ёшлар! 2013 йил 7 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида ёшлар ўртасида "Парламентаризм билимдони" танловининг дастлабки тури бошланди.

Танловнинг асосий шартлари ва талаблари:

1. Танлов иштирокчиси — 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар бўлмоғи лозим.
2. Танловнинг мақсади — ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини бойитиш, улар орасида Конституция қоидаларини кенг тарғиб қилиш, қонунларни қабул қилиш ва миллий парламентаризм фаолияти тўғрисидаги батафсил ҳамда ишончли ахборотларни олиш, шунингдек, ёш авлоднинг ҳуқуқий ҳамда сиёсий тафаккурини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш.
3. Танловда қатнашиш қоидалари — Танловда иштирок этишни хоҳловчилар танлов иштирокчиси сўровномасини тўлдиринишлари лозим. Унда ўзи ҳақидаги маълумотлар (исми-шарифи, туғилган йили, иш ёки ўқиш жойи, яшаш манзили, телефон рақами, албатта, кўрсатилиши шарт) кўрсатилади. Танлов иштирокчисининг сўровномаси Қонунчилик палатаси веб-сайтига жойлаштирилади.
4. Танловнинг асосий шартлари — танловга бериладиган саволлар Қонунчилик палатасининг

- веб-сайтида ҳар ҳафтанинг сешанба куни жойлаштирилади. Танлов иштирокчиларининг жавоблари савол эълон қилинган ҳафтанинг яқинда кунига-ча қабул қилинади. Ушбу муддат давомида танловнинг ҳар бир қатнашчиси саволларга фақат бир марта жавоб бериши мумкин.
5. Танлов саволларининг йўналишлари:
 - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;
 - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти;
 - Депутатлик бирлашмалари фаолияти (сиёсий партиялар фракциялари, депутатлик гуруҳлари сони, уларнинг таркиби ва ваколатлари)
 6. Танловни баҳолаш меzonлари — ҳар бир тўғри жавоб бир балдан баҳоланади. Барча савол ва жавобларнинг вариантлари ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилади. Қонунчилик палатасининг веб-сайтида ҳар душанба куни танлов қатнашчиларининг рейтинг жадвали эълон қилинади, унда қатнашчиларнинг исми-шарифи ва умумий баллари кўрсатилади.

7. Танлов ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш — танлов натижаларига қўра, йиғилган балларнинг миқдорига қараб ғолиблар аниқланади. Ғолиблар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар. Танловда фаоллик кўрсатган ёшлар Қонунчилик палатасида ўтказиладиган тантанали тақдирлаш маросимида қатнашадилар ва Қонунчилик палатаси фаолияти билан яқиндан танишадилар.
 8. Танловни ўтказиш муддати — 2013 йил 7 майдан 2013 йил 1 декабргача.
 9. Танловнинг яқиний тақдирлаш маросими Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги арафасида ўтказилади.
- Онлайн танловнинг бошқа танловлардан фарқли жиҳати шундаки, унда саволлар компьютер базасининг электрон тармоғига киритилган бўлиб, жавоблар электрон тартибда ҳисоблаб чиқилади.
- Танловда фаол иштирок этинг ва парламентаризм билимдонига айланнг!



Одним из основных принципов современного демократического государства является принцип ответственности государственного управления перед населением, смысл которого состоит в том, чтобы каждый мог не только знать о нормативно-правовой базе, но и о иной информации, находящейся в распоряжении органов государственной власти. В противном случае обществу сложнее оценить, насколько служащие справляются с возложенными на них обязанностями. Эта идея образует стержень современного понимания гласности и открытости.

e-Government

Практика внедрения ИКТ

для обеспечения открытости деятельности органов государственной власти и управления

Для развития и популяризации информации, являющейся публичным достоянием, органы государственного управления должны разрабатывать соответствующее законодательство относительно доступа к информации, а также призваны обеспечить посредством различных ресурсов связи, в первую очередь интернет, надлежащий доступ к официальной информации.

В настоящее время большинство развитых государств уже приняли базовые законы об открытости информации, находящейся в распоряжении органов власти: Финляндия (1951 г.), США (1966 г.), Франция и Голландия (1978 г.), Дания и Норвегия (1970 г.), Канада (1983 г.), Австрия (1987 г.), Великобритания (1994 г.), Бельгия (1994 г.), Германия (1994 г.) и др.

Разработанный в Республике Узбекистан проект Закона "Об открытости деятельности органов государственной власти и управления" представляет возможность гражданам запрашивать и получать информацию о деятельности государственных органов, что само по себе является выражением приверженности республики к одному из важнейших общепризнанных прав как свобода доступа к государственной информации.

Дальнейшее развитие ИКТ ведет к реальному формированию информационного общества, в полной мере обладающего его основными признаками, такими как приоритетность информации перед другими продуктами деятельности человека, равные возможности в доступе к информации всех слоев населения, а также взаимодействие государственных структур между собой и с гражданами, с целью обеспечения большей осведомленности о деятельности органов государственной власти и управления.

Информационно и организационно-технологическое обеспечение доступа населения к информации о государственных органах осуществляется повсеместно внедряемыми информационно-коммуникационными технологиями. Создаются информационные системы, удовлетворяющие требованиям оперативного предоставления достоверной, актуальной, интересующей пользователя информации о деятельности государственного органа и его должностных лиц. Юридические и физические лица могут использовать различные способы доступа к сведениям о деятельности, задачах и

функциях органов государственной власти и управления: официальные сайты органов власти, СМИ, библиотеки и информационные центры, центры телефонного обслуживания и др.

Несмотря на то, что Республика Узбекистан пришла к разработке подобного закона недавно, так или иначе способы доступа к информации, варианты ее предоставления закреплены в действующем законодательстве: законы "О гарантиях и свободе доступа к информации", "О принципах и гарантиях свободы информации", "Об обращениях граждан", "О средствах массовой информации", постановления правительства "О мерах по развитию связей с общественностью органов государственного и хозяйственного управления", утвердившее Типовое положение об информационной службе государственного органа, "О совершенствовании нормативно-правовой базы в сфере информатизации", утвердившее положения о порядке формирования и использования информационных систем и информационных ресурсов государственных органов.

Состояние информационной среды определяет уровень и возможности социально-экономического развития, а эффективная работа государственного аппарата, взаимоотношения государственной власти и общества зависят от состояния сферы информатизации.

К примеру, в США сложилась система управления процессом развития электронного правительства с поэтапным внедрением электронных государственных услуг. Позиции, связанные с информатизацией государственного управления и качеством интерактивных правительственных услуг, внедрены в систему общих оценок эффективности функционирования правительственных ведомств, что финансируется из государственного бюджета и специальных фондов.

Европейский подход к развитию "электронного государства" опирается на базовые принципы макроэкономической политики стран Евросоюза в области формирования информационного общества. Основными из них являются содействие расширению общественного доступа к современным ИКТ путем создания центров доступа (библиотеки, школы и т.д.), расширение набора социальных услуг, предос-

таваемых в электронной форме, и увеличение их доступности; внедрение технологий информационного общества в государственную систему образования и переподготовки; проведение исследований в области социальных последствий, вызванных распространением ИКТ, и возможностей адаптации всех категорий граждан к новым условиям жизни; повышение уровня ознакомления общества с возможностями ИКТ; содействие процессу стандартизации информационных систем для обеспечения совместимости сетей, а также предоставляемых сетевых интерактивных услуг; контроль за разработкой соответствующего законодательства и соблюдением юридических гарантий граждан и бизнеса.

Важным фактором, отличающим европейскую модель, является стремление учитывать при создании систем электронного правительства социально-культурное многообразие общества.

Наиболее революционные процессы, касающиеся административной реформы, проходят в сфере информатизации методов управления в Японии. И один из ключевых аспектов этой деятельности — организация системы взаимодействия всех государственных органов. Программа "Электронная Япония" ("e-Japan") стартовала в 2001 г.

Самый высокий уровень внедрения и развития "электронного правительства" в Южной Корее, здесь также оказывается наибольшая поддержка в данном направлении государством. В Южной Корее реализован комплекс мер, в результате которых государственные органы взаимодействуют через интернет с окружающим миром по нескольким ключевым направлениям, а затем сформировано наиболее открытое и прозрачное электронное правительство.

В Республике Узбекистан также создана информационно-техническая инфраструктура, необходимая для формирования системы предоставления государственных услуг на основе использования информационных технологий и создания информационных систем для автоматизации и совершенствования деятельности организаций. В целях реализации права граждан и организаций на получение информации в электронном виде органы государственной власти и управления подключают свои информационные системы к сети интернет, открывают для неограниченного доступа свои официальные

сайты, выделяют адреса электронной почты для получения запросов и передачи запрашиваемой информации.

Стоит отметить, что серьезная работа по целенаправленному всестороннему внедрению и использованию потенциала информационно-коммуникационных технологий ведется в глобальном масштабе. На Всемирной встрече на высшем уровне по вопросам информационного общества приняли участие делегации высокого уровня из 175 стран, в том числе почти 50 глав государств и правительств и вице-президентов, органы государственного управления, межправительственные и неправительственные организации, частный сектор и гражданское

общество. Встреча стала действительно многосторонним процессом, направленным на развитие информационного общества, в котором каждый мог бы иметь доступ к нужной информации, пользоваться и обмениваться ей.

Технологический прогресс и прочие изменения стремительно преобразуют среду, в которой развивается информационное общество, и органам государственного управления принадлежит ведущая роль в разработке и осуществлении всеобъемлющих, перспективных и устойчивых национальных электронных стратегий. Частный сектор и гражданское общество, в диалоге с органами государственного управления, должны сыграть важную консультативную роль в разработке и создании стратегий. Именно конструктивность и результативность данного диалога отразят степень доступности, открытости и качества деятельности государства, в лице его органов. Публикация материалов и информации на веб-сайтах, доступ к базам данных информационных и библиотечных фондов, электронные средства массовой информации, услуги, оказываемые через сеть интернет, в том числе запросы и консультации — все в комплексе содействует установлению открытого процесса государственного управления, доступу к интересующей части достоверной информации в любое время.

В то же время необходимо осознать, что высокие технологии сами по себе не могут решать задачи управления, в том числе обеспечивать открытость деятельности органов государственной власти и управления. Однако принятое решение главы государства провести на основе разработанного проекта закона правовой эксперимент по апробации послужит крепкой основой принятия основательного реально действующего закона, в котором в равной степени учтено как право доступа к информации так и обязанности соответствующих структур по предоставлению такого доступа.

Д. АБДАЛИМОВА,
главный специалист отдела по юридическим и нормативно-правовым вопросам Государственного комитета связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан

Хабар +tv


ДУШАНБА — 20 МАЙ

5.55 Қўрағуллар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
7.00 "Ислом".
7.05 "Қўнига қўнига истайди".
7.20 Миллий сериал: "Имтиҳон".
8.00 Таълимнома.
8.40 "Жаҳон Дарғи". Т/с.
9.25 "Менинг боғим".
9.40 "Саломатлик сирлари".
9.55 "Сарой жаҳонлари". Т/с.
11.00 "Абборот".
11.10 "Ватанларим".
11.55 "Ислом".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
12.30 "Қўнига қўнига истайди".
13.05 "Қимсан Рокс". Т/с.
13.50 "Япон боғи".
14.00 "Абборот".
14.15 "Энг сўзганди: Этнокад муваққатлиги йўнали".
14.35 "Ислом".
14.35 "Динийнинг янги шакли".
15.05 "Салом алайк - миллат келажиги".
15.30 Жаҳон мусиқаси хақиқатиди.
15.50 Янғис. "Мақсора тулкунинг сарғушлариги". 1-қисм.
16.30 "Таракет дастури".
17.00 "Абборот".
17.10 "Янги дам".
17.35 "Иштирок".
17.30 "Эркин фикр".
17.40 "Эртаслар - ақилликка етакчир".
18.00 "Қўнига қўнига истайди".
18.15 "Карвон".
18.35 "ТВ - шифокор".
18.40 "Қимсан Рокс". Т/с.
19.25, 20.00, 20.35 Эшонлар.
19.30 "Абборот" (рус).
20.05 "Навоий сўзганди".
20.10 "Медина хўжайини". Т/с.
21.00 "Абборот".
21.40 "Муносабат".
22.10 "Қўнига қўнига истайди".
22.25 "Сарой жаҳонлари". Т/с.
22.30 "Ислом".
23.35 - 00.00 "Ушбукилар эриги". Х/ф.
00.00 Қўрағуллар дастури.
00.05 "Салом алайк - миллат келажиги".
00.25 "Карвон".
00.45 "Иштирок".
00.50 "Япон боғи".
1.00 "Абборот" (рус/франзонбиги аралашти). 1-қисм.
2.10 "Ватанларим".
2.50 "Ислом".
2.55 "Менинг боғим".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон".
4.00 Миллий сериал: "Имтиҳон".
5.10 "Саломатлик сирлари".
5.25 "Шаҳр тароналари".
5.35 5.55 Табиат бизни қўмак-қў".




6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Ўнунгизм оқиллар".
7.00 "Йўл-йўлағай".
7.30 "Мультиязычлар".
8.00 "Севинчлар". Т/с.
8.40 "Ёшлик навоялари".
9.00 "Скарлетт". Т/с.
9.50 "УзЕХ".
10.00 "Қамолот-инфо".
10.10 "Танг дарёсининг қизи". Б/ф.
11.30 "Жаҳон мусиқаси".
12.00 "Новик ласалар". Т/с.
12.50 "Телеэфири".
13.10 "Данр".
13.10 "Афсона ва ҳақиқат".
13.30 "Муҳажират дунё".
14.00 "Асар". Т/с.
14.40 "Ёшлик навоялари".
15.10 "Қолмобо". Т/с.
15.50 "УзЕХ".
16.00 "Данр".
16.10 "Доктор Қўниг". Т/с.
17.00 "Қамолот-инфо".
17.10 "Автопарул".

17.30 "Қора ҲК". Б/ф.
19.00 "Данр".
19.30 "Фит ва мактаб". Т/с.
20.20 "Эртаски болонлар".
20.40 "Ўғуллар оушувда".
20.50 "Ёшлик навоялари".
21.10 "Асар". Т/с.
22.00 "Данр".
22.30 "Муҳажират дунё".
22.40 "Ёшлик навоялари".
23.00 "Муҳажират дунё".
2.00 "Данр".
2.30 "Фит ва мактаб". Т/с.
3.20 "Жаҳон мусиқаси".
4.00 "Қўнига қўнари".
4.20 "Қора ҲК". Б/ф.
5.50-6.00 "Сифиди".



6.00 "Мадр".
6.05 Қўрағуллар партияи.
6.10 "Ҳаёт гушани".
6.20 "Ҳаёт-мадр". Т/с. 63-қисм.
6.30 "Салом, Тошкент".
8.00 Тошкент паронари.
8.15 "Донлар босотгани".
8.20 "Интеллектуал оқсон".
8.30 "Тошкент".
8.50 "Сарғушлар орали".
9.15 "Қаер оқсоннинг концерти".
9.20 "Тошкент".
9.40 "Тошкент йўналири".
10.00 "Интерва".
10.10 "Мақсуда бир кун".
10.20 "Тошкент" (рус тилида).
10.40 "Сўрғуннинг бир кун".
10.55 "Самолет сарғушлариги". Б/ф.
13.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дунё". теледастури.
14.55 "Бизнес-ройлаш".
15.00 "Тошкент".
15.15 "Изиб". Т/с. 11-қисм.
15.40 "Интиқоблар оқилли".
16.00 "Тани оқсон".
16.30 Тошкент паронари.
16.45 Мулларвет. "Денгиз итлари".
17.10 "Келин меннинг дастури".
17.25 "Ақиллар тавоғи".
17.40 "Мингларкет фойдалари".
18.00 "Тошкент".
18.25 "Интеллектуал оқсон".
18.35 Миллий сериал: "Қаларқотлар яна хайгани". 14-қисм.
19.05 "Интерва".
19.15 "Қарвонсеро".
19.25 Тошкент паронари.
20.00 "Тошкент".
20.30 "Репортаж".
20.45 "Тошкент оқсонлари".
21.10 "Ҳайрат".
21.15 Тошкент паронари.
21.30 "Теле-маркет".
21.50 "Ҳаёт-мадр". Т/с. 64-қисм.
22.30 "Тошкент" (рус тилида).
22.50 "Кино SMS" (рус тилида).
22.55 Миссия дарёва. Х/ф.
00.20 Қўрағуллар партияи.
00.25 "Азиз меҳри".
00.40 "Тарихи-2". Х/ф.
1.55 "Уларим".
2.00 Халқ киносин: "Девона қаб". Б/ф.
5.00-4.00 "Салом, Тошкент".



6.00 "Хайрат тавғи".
6.05 Қўрағуллар партияи.
6.10 "Саломатлик сирлари".
6.35 "Жаҳон боллар".
7.10 "Маҳорат мактаби".
7.25 Боллар миллиончаси.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.40 "Саломатлик сирлари".
9.00 Футбол. Англия чемпионати.
"Челси" - "Эвертон".


10.35 Велоспорт. Жиро Д. Италия.
11.20 Футбол. Италия чемпионати.
"Рома" - "Наполи".
12.55 Рақамлар, нитожалар, рефлекслар.
13.00 ХАБАРЛАР.
13.10 Боллар миллиончаси: "Спортландия", Мультифилм.
23.40 "Ринг қоралари".
14.40 Теннис АТР / WTA турнири.
16.00 "Халқ Ўйнари".
16.15 Футбол. Англия чемпионати.
"Манчестер" - "Арсенал".
17.55 Қўрағуллар партияи.
18.00 Боллар миллиончаси: "Спортландия", Мультифилм.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.55 "Универсиада-2013".
19.25 Ганбол. Халқаро Фрофи кубоги.
20.30 "Спорт - маркет".
20.40 "Футбол шароғи".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 Футбол. Ўзбекистон кубоги.
"Олимжон" - "Тўнотил".
23.35 "Эртас Фўтуғ".
23.55 Спорт телисини. Жаҳон чемпионати.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.25 ИНТЕРВЬЮ.
1.55 Бейбаруз ва қанқаси эшак эшди. Жаҳон кубоги.
4.10 - 5.50 Халқ. Жаҳон чемпионати. 3-рун учун.

07.00 08.10 10.30 14.00 15.20 17.00 18.30 19.50 20.35 22.40 04.00-05.00 TVM навояри
08.00 "Prime time"
09.40 Сериал "В поле зрения"
11.30 "Метро" Х/ф.
14.10 Сериал "МУХАББАТ НОМИ ИЛА"
15.10 "Prime time"
16.00 "Донлар қўрағулларим"
18.00 "Премьера".
18.40 Сериал "МУХАББАТ НОМИ ИЛА"
19.40 "Prime time"
20.00 "Топ-10"
21.10 Сериал "В поле зрения"
22.20 "ПОСЛЕДНЕЕ ЗАВЕЩАНИЕ" Х/ф.
02.00 Фестивальное кино: "Фонтан"

04.00 08.05 Телекино "Доброе утро"
08.00 11.00 14.00, 02.00 Новости
09.05 "Жаҳон аэропорт"
10.05 Мошай притвор
11.15 Контрольная закупка
11.40 "Время обещаний"
12.10 "Доброе утро России"
13.00 Другое утро России
13.25 17.40 Понят. Простить
14.35 Т/с "Горький центр"
15.25 "Пока еще не поздно"
16.05 "Я пою на радио"
17.00 Вечерние новости
18.05 "Дважды покаяние"
19.00 "Время говорить"
20.00 "Премьер"
20.30 02.05 Т/с "Былшая жена"
22.20 "Вечерний Ургант"
22.55 "Тюнер"
23.50 Ночные новости
00.05 Х/ф "Слепота"

04.00 Утро России
08.00 10.00 мелочи". Ток-шоу
08.45 "О самом главном". Ток-шоу
09.30 Т/с "Курьин и партнер"
10.00 13.00 16.00 19.00 Вести
10.30 13.30 16.30 18.40 Вести-Москва
10.50 Т/с Тайны следствия
11.50 "Дело Х. Семейные провокации"
12.50 13.35 03.35 Вести. Деловая часть
13.50 "Узкие тайны. Времена года"
14.35 Т/с Тайны института биворотных левит
16.45 Т/с "Каменистая-6"


19.30 Спокойной ночи, малыши!
19.40 "Прямой эфир"
20.25 Т/с "Лекарство против страха"
00.10 "Детская"




05.00 "НТВ утром".
05.25 Т/с "Восток шепчет Мустар"
09.00 12.00 15.00 18.00 Сегодня
09.20 Чрезвычайное происшествие.
Обзор за неделю
09.55 "До суда"
10.55 Суд присяжных
12.25 Суд присяжных. Окончательный вердикт"
12.55 Т/с "Улики разбитых фонарей"
14.30 17.30 Обзор Чрезвычайное происшествие.
15.25 "Прокурорская проверка"
16.40 "Тюрьмы и подпольщики".
18.30 Премьера "Вестия".
22.15 "Сегодня. Итоги".
22.35 Т/с "Семен"
00.30 Документальный фильм "Наш космо"

РОССИЯ 2

05.55 "Моя планета"
07.00 09.00 17.00 Вести-Спорт
07.10 "Моя рубашка"
07.40 "Чужая Россия"
18.30 Премьера "Вестия".
08.10 "Наше все"
08.40 11.40 01.25 ВЕСТИ.ЦД
09.10 Халқ. Чемпионат мира.
Финал. Трансляция из Швеции
12.00 "Местное время. Вести-Спорт"
12.30 Джек Чан в фильме "Мир"
14.55 24 кадра
15.25 "Наука на колёсах"
15.55 "Наука 2.0. Большая скачка".
Материал будущего. Композит
16.25 "Наука 2.0. Большая скачка".
Материал. Битва за столицу
17.10 Х/ф "Человек президента"
18.35 Баскетбол.
- 09.20 Местное время. Вести-Москва. Неделя в городе
- 10.10, 13.00 Вести
- 10.10 Х/ф "Белое платье"
- 12.15 "Смелиться разрешается"
- 13.20 Вести-Москва
- 13.30 "Смелиться разрешается". Продолжение
- 14.55 Т/с "Свагы-4"
- 19.00 Вести недели
- 20.30 Х/ф "Красотка"
- 22.30 "Воскресный вечер с Владимиром Соловьевым"
- 00.20 Х/ф "Хвост вылетает собакой"

HTB

- 05:05 Т/с "Дальнейбойшиси. Десять лет спустя"
- 07:00 09:00 12:00 Сегодня.
- 07:15 "Сторана Русское лото"
- 07:45 Их нравы
- 08:25 Едем дома
- 09:20 "Первая передача". Автомобильная программа с Сергеем Малоземовым
- 09:55 "Чудо техники" с Сергеем Малоземовым
- 10:25 "Поедем, поедим"
- 11:00 "Дневной отчет"
- 12:20 СОГАЗ - Чемпионат России по футболу 2012/2013. Прямая трансляция.
- 14:30 Свои игра
- 15:20 Следствие вели...
- 16:20 "Очная ставка"
- 17:25 19:00 Чистосердечное признание
- 18:00 "Сегодня. Итоговая программа" с Кириллом Подкопновым
- 19:35 "Центральное телевидение" с Валдимом Тахменевым
- 20:30 "Железные деди"
- 21:20 Х/ф "Мой дом - моя крепость"
- 23:15 "Школа злословия".

РОССИЯ 2

- 05:00 "Моя планета"
- 05:05 09:05 12:00 23:00 Вести-Спорт
- 07:05 "Моя рыбалка"
- 07:35 "Язь против едз"
- 08:05 "Рейтинг Баженова. Могло быть хуже"
- 08:35 "Страна спортивная"
- 09:15 "Цена секунды"
- 10:05 Фильм "S.W.A.T.: Огненная буря"
- 11:45 АвтоВести
- 12:15 "Задая вопрос министру"
- 12:55 Баскетбол. Единая лига ВТБ. 1/2 финала. Прямая трансляция
- 14:45 "24 кадра"
- 15:15 "Наука на колесах"
- 15:45 ФОРМУЛА-1. Гран-при Монако. Прямая трансляция
- 18:15 Том Круз в фильме "Операция "Валькирия"
- 20:30 Профессиональный бокс. Олег Маскаев (Россия) против Давидовна Гаверна (США)
- 23:15 "Футбол.1"
- 00:05 Бильярд. Кубок мэра Москвы
- 01:55 "Суперкар: инструкция по сборке"

СТС

- 06:00 Мультфильм.
- 12:00 "Синимите это немедленно!" Ведущие - Наталья Стефаненко и Таша Строгая.
- 13:00 "Думая как женщины" Драмади.
- 15:50 "6 кадров"
- 16:40 "Призрачный гонщик. Дух мщения" Х/ф
- 18:25 "Голодные игры" Х/ф.
- 21:00 "Ангел или демон"
- 23:00 Шоу "Уральских пельменей". "Май-на! Часть 1"
- 00:00 Центральный микрофон Комедийное шоу.
- 00:30 "Город грехов" Х/ф.
- 02:50 "Бесстрашная тиена-2" Х/ф

ТВ3

- 06:00 М/ф
- 08:30 Х/ф "Семь стариков и одна девушка"
- 10:15 Х/ф "Стопы Земли"
- 19:00 Х/ф "Последний легковик"
- 21:00 Х/ф "Быта Титанов"
- 23:00 Х/ф "Интервью с вампиром"
- 01:30 Х/ф "Ордер на смерть"
- 03:15 Х/ф "Там, где живут чудовища"

Ўринбосарлар ўқув машғулотида

Шеробод почта алоқаси тармоғида "Бутунжахон почтаси маъмуриятининг халқаро фаолияти" мавзусида ўқув машғулоти ўтказилди. Тадбир қатнашчилари Шеробод транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи ёшлари бўлишди. Улар коллежнинг "Почта алоқаси хизматларини ташкил этиш бўйича мутахассис" йўналишида тахсил олишмоқда.

Ўринбосарлар иштирокидаги машғулоти Шеробод ПАТ бошлиғи Ўткир Худоймуродов олиб борди. Дастлаб ёшларга Бутунжахон почта иттифоқи тарихи ва унинг вазифалари ҳақида тушунча берилди. Шу билан бирга, коллеж ўқувчи ёшлари нуфузли ташкилотга аъзо бўлган давлатлар орасида Ўзбекистон Республикаси ҳам борлиги ҳамда унинг йўналишларида мамлакатимиз делегатлари ҳам катнашиб туришини билиб олишди. Айни чоғда Ўзбекистон почтаси маъмуриятининг халқаро фаолияти тўғрисида маълумотлар келтирилди.

Жарқўрон почта алоқаси тармоғида бўлган тадбирда Қақайди транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи битирувчилари катнашди. Почта алоқаси хизматларини ташкил этиш мутахассислигини эгаллаётган ёшлар рўйхатга олинувчи почта жўнатмалари дастури ҳақида тасаввурга эга бўлишди. Уларга шу хусусда Жарқўрон ПАТ бошлиғи ўринбосари Исмоил Жўраев ахборот берди.

Хар иккала коллеж ёшлари амалий ўқув машғулотлари доирасида ўрнатилган янги техника ва технологиялар билан таништирилди.

Битирувчилар йўлланма олишди

Почта соҳасида билим ва хунар эгаллаётган сурхондар-ёлик ёшлардан 25 нафари учун доимий иш ўрни олдидан нақд қилиб қўйилди. Тузилган уч томонлама шартномага асосан улар вилоят ҳудудидидаги туман, шаҳар почта алоқаси тармоқларида иш бошлашади. Барвақт йўлланма олишга сазовор бўлганлар Тошкент алоқа, Термиз ахборот технологиялари, Қақайди, Бойсун ва Шеробод транспорт ва алоқа касб-хунар коллежларининг битирувчилари ҳисобланади.

Мактабларда электрон дарсликлар

Денов туманида 98та мактаб бўлса, уларнинг асосий қисмида компютер синфлари бор. Қолаверса, ўтган йили таълим шохобчаларининг 92таси 12 дондан NOTEBOOKлар билан таъминланди ва "Перфектум Мобайл", "ЎзМобайл" ва "East Telekom" телефон хизмати тармоғига эга бўлди. Бевоқифа Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таъсис этилган қирқ номдаги электрон дарсликлардан ҳам болаларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш йўлида фойдаланилмоқда.

Таъкидлан керакки, туманда ўқитувчи кадрлар малакасини оширишга катта эътибор қаратилган. 2012 йил октябр ойидан жорий йил апрел ойигача ҳамкасбларнинг кўпчилиги ихтисослаштириш машғулотида катнашди ва натижада туман бўйича таълим жараёнига АҚТни жорий этишни ўзинга хос мақсаби яратилди. Ёки қишлоқ ўқитувчиларининг қарийб 80 фоизи ўз машғулотида компютер техникасида бемалол фойдаланаётгани фикримишга далил бўла олади. Уларнинг айримлари ўтаётган бир соатлик дарси учун электрон кўргазмалар слайдлар ва тақдимотлар ишланмаларини йўлга қўйишган. Бундан ташқари, ҳамкасблар орасида интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда дарс бераётганлар ҳам оз эмас.

Энг муҳими, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги "Жойларда компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги "Замоноҳий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгрок жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлашга Денов туманида устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Шунинг учун ҳам амалдаги ўқув йили туман мактабларида ҳар томонлама намунали яқунланмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

ЁТ ҒОЯЛАР ТАҲДИДИ

Ёшларимизни улардан ҳимоя қилайлик

Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона марказида "Экстремизм ва террорчилик — жамият барқарорлигига таҳдид" ҳамда "Гиёҳвандлик — аср вабоси" мавзусидаги тадбир бўлиб ўтди.



Тадбирда Термиз шаҳар Мурчобобо жоме масжиди вакили Қосимжон Баҳромов сўзга чиқиб, ҳозирги кунда интернет тармоғида "Ал-Қоида" гуруҳи фаолияти ва умуман, диний-экстремистик ғояларни тарғиб қилувчи 4000га яқин сайтлар ишлаётганлиги, улардан "Ҳизб ут-Тахрир Ал-Исломи", "Ал-Қоида", "Мусулмон биродарлар" ва "Ал-Жиход" каби гуруҳлар алоҳида фаоллиги билан ажралиб туриши, улар Афғонистон, Ироқ, Чеченистон, Покистон ҳудудларида ҳаракат олиб бораётганлиги ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Термиз шаҳридаги 6-мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Назокат Аннакулова террорчи оқимлар, диний гуруҳлар, гиёҳвандларнинг аянчи тақдирини ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Термиз банк коллежи маънавият бўлими мудири Комил Хўнафасов гиёҳвандликнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида сўзлади. Ҳозирги кунда инсон ҳаётининг захри-қотили бўлиб келаётган гиёҳванд моддаларини истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари ҳақида кенг доирада тушунтирди.

Шундан сўнг Термиз шаҳар ИИБ ХООБ

ВЕЎН ва ХП инспектори — лейтенант С.Очилова сўзга чиқиб, гиёҳвандлик айрим ёшлар, эркак аёллар ўртасида илдиз ортиб бораётгани, гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида гиёҳвандлик, наркотик моддалар жумласига кирувчи дорилар ёки бошқа моддаларни истеъмол қилиш натижасида юзага келадиган касалликлар ва унинг зарарли оқибатлари ҳақида фикр ва мулоҳазаларини билдирди ва слайдлар орқали ёритиб, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Термиз шаҳар райиси ўринбосари Дилафрўз Раҳматова гиёҳвандлик оқибатида юзага келадиган юқумли касаллик, яъни ОИТСга қарши курашиш чора-тадбирлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон "Адолат" СДП Термиз шаҳар депутати Бекмурод Ашуров ёшларни вайронкор ғоялардан йироқ бўлишга чақириб, партиянинг вазифалари билан таништирди, тадбир иштирокчиларига буклетлар тарқатилди.

Зайнаб АМИРОВА,
АКМ бош кутубхоначиси

Адабиётлар шарҳи

Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида ходимлар малакасини янада такомиллаштириш мақсадида "Энг яхши адабиётлар шарҳи" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Иштирокчилар бешта шарт бўйича ўзаро беллашди. Танлов натижаларига кўра, Гулноза Турсинова "Энг зукко кутубхоначи", Рашида Хусенова "Энг теакор файл яратувчи кутубхоначи", Моҳира Тўхтаева "Энг яхши адабиёт шарҳловчи кутубхоначи" ва Манзура Бобомуродова "Энг яхши китоб кўргазмаси тайёрлаган кутубхоначи" номинацияларида ғолибликни қўлга киритишди.

Умида ҲАҚҚУЛОВА,
НДКИ ҳузуридаги 2-академик лицей ўқитувчиси

Маҳалла билан ҳамкорлик

А.Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида ҳуқуқий-ахборот сектори ҳамда "Мурувват" маҳалласи билан ҳамкорликда Обод турмуш йилига бағишлаб "Обод турмуш - давлатимиз тараққиётининг ҳуқуқий асоси" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатини АКМ ахборот-библиография бўлими мудири Муҳаббат Имомова қириш сўзи билан очди. Илмий-услубий таълим мудири Жамила Бобомуродова "Аёл — обод турмуш бунёдкори" мавзусида маъруза қилди. Тадбирда "Мурувват" маҳалласи фуқаролар йиғини райиси Телман Дехқонов иштирок этиб, "Меҳнат — обод турмуш гарови" мавзусида сўз юритди.

Давра суҳбатида китобхоналар ва маҳалла фуқаролари иштирок этишди.

Мазрифат САФАРОВА,
ҳуқуқий-ахборот сектори мудири

Меҳмондўстлик — гўзал фазилат

Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази Андижон Давлат университети, вилоятдаги Саййид Мухйиддин Маҳдум номидаги ўрта-маҳсус ислом билим юрти, "Оила" илмий-амалий маркази ва "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳамда вилоят Тиббиёт бirlашмасига қарашли 2-поликлиника билан ҳамкорликда Кутубхона — иккинчи оилам клубининг навбатдаги "Меҳмондўстлик одоби ва муомала маданияти" мавзусида давра суҳбати ташкил қилди.

— Халқимиз лутф ва тавозеъни, меҳмоннавозликни ўрнига қўя олган элдир. Меҳмон келган уй Яратганининг назари тушган хонадон ҳисобланиб, Меҳмон — атойин Худо дейилган. Мулоимлик ва ширинсўзлик, орасталик ва поклик хонадонимизга келган меҳмоннинг биринчи ва бир умрлик таассуроти бўлиб қолмоғи зарур ва ҳар биримиз шу қондаларга амал қилишимиз шарт. Чунки меҳмон кутини ҳам нозик бир санъат ва бундай учрашувлар ёшлар маънавиятини юксалтирибгина қолмай, ўз фикрига эга бўлган комил инсонни тарбиялаш учун жуда яхши омил бўлади, — деди АДУ профессори, филология фанлари доктори Салимаҳон Мирзаева.

Давра суҳбати муносабати билан АКМ ходимлари томонидан ташкил этилган "Одоб — ақлнинг кўзгуси" мавзусидаги адабиётлар кўргазмаси иштирокчиларни миллий қадриятларимиз билан яқинлаштиришга хизмат қилди.

Д.ЭГАМБЕРДИЕВА,
АКМ "Кутубхона — иккинчи оилам" клуби масъул ходими



Имкониятлар чўққиси

"Интернет ва ахборот-кутубхона ресурсларидан фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланиш" мавзuida анъанавий "Central Asia-2013" 7-Халқаро анжумани таассуротлари

XXI аср — юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва малакага эга, янгича дунёқараш ва мустақил фикрли мутахассислар асри. Жамиятни демократлаштириш, давлат қурилишини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятининг нечоғлиқ юксаклигига бевосита боғлиқ. Айниқса, ёшларимизнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини ошириш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир. Замонавий телекоммуникация ва ахборот технологияларини жамиятнинг барча соҳаларига фаол жорий этиш, интернет тармоғи орқали турли интерактив хизматларни кўрсатишни ривожлантириш бу борадаги ислохотлар ечимидир.

Глобаллашадиган бугунги даврда интернет хизмати, замонавий ахборот-коммуникация тизими янги имкониятлар, билим олишнинг чексиз йўналишларини ёшларга тақдим этмоқда. Айниқса, визуал маълумотларнинг ниҳоятда серкирралиги билан электрон шаклда қабул қилиниши ўрганувчи учун қулайлик ва билим олишнинг чексиз имкониятларини беради. Зеро, маълумот тарқатиш билан жамиятда реклама қилиш, хорижий ҳамкасблар билан тез ва қулай алоқа ўрнатиш мумкин.

Республикамизда ахборот-кутубхона фаолиятини такомиллаштириш, ушбу соҳада ҳукумат қарорларини, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги, 2011 йил 23 февралдаги "2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурслари хизматларини янада сифатли ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2012 йил 20 мартдаги "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкиллаштириш чоралари тўғрисида"ги қарорлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қарорлар асосида Миллий кутубхонада ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йилнинг 22-26 апрел

кунлари "Интернет ва ахборот-кутубхона ресурсларидан фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланиш" мавзuida анъанавий "Central Asia-2013" 7-Халқаро анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманининг мақсади — фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида электрон ахборот ресурсларини қўллаш ва ривожлантиришда ахборот-кутубхона муассасалари, ўқув юртлари, архивлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар ўртасида таъсирчан ҳамда самарали ҳамкорликни фаоллаштириш.

Анжуман бир қатор идора ва ташкилий қўмиталар, жумладан, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари бўйича Ахборот-таҳлил департаменти, Алоқа, Ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари бўйича қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўртамахсус таълим вазирликлари, Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Германия, Қозғоғистон, Озарбайжон, Канада, Украина, Хитой, Эрон каби мамлакатлардан 450дан зиёд соҳа вакиллари иштирок этишди. Улар бешта шўъбага бўлинган ҳолда иш олиб боришди.

Анжуман жуда кизикарли ва баҳсмунозарга бой ўтди. Ушбу анжуманда мен ҳам "Виртуал кўргазмалар орқали ёшларни Ўзбекистон маданий меросидан баҳраманд этиш" мавзuidaги маърузам билан қатнашдим.

Маърузамда ахборот технологиялари ривожланган даврда ўқувчи, китобхонларнинг электрон кўринишдаги дарслик, китоблардан фойдаланиш

ладан, масофадан туриб фойдаланиш, архивлар маълумотларини илмий таҳлил қилиш, архившуносликнинг янги воситаларини тақдим этиш, ҳужжатлар ва маълумотномаларни энг замонавий электрон шаклларда чоп этиш, архивлардаги ахборот ресурсларининг жаҳон кибермақонига интеграциялашувига хизмат қилиши, хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган тарқок ҳолдаги кутубхона, музей ва архивлар манбани тегишли давлат органлари томонидан доимий равишда маълумотлар янгиланиб турилишини назорат қилувчи ягона махсус маданий порталга умумлаштириш зарурлигини, электрон ахборот тарқатиш воситалари тизимини жорий этиш эса маданий меросимизни кенг омма, хусусан, ёшлар орасида тарғиб қилишда ўзининг ижобий ролини ўйнаши мумкинлигини келтириб ўтдим. Шунингдек, шўъбада ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири бўлган имконияти чекланган фойдаланувчилар учун Брайл ёзуви китобларни электрон ҳолатга ўтказиш бўйича аудиокинообларни (матни эшитиш имконияти, яъни text to speech функцияси орқали) ўзида жамлаган манбани ягона порталга joyлаштириш масаласи муҳокама қилинди.

Анжумандан жуда катта таассуротга эга бўлдим ва келажакда ушбу анжуман ўз соҳам фаолиятида янги имкониятлар чўққиси бўлади, деган умиддаман. Зеро, мамлакат келажаги ёшлар қўлида экан, маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш — бу биз учун миллий эҳтиёжгина бўлиб қолмасдан, балки умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ғоят долзарб масаладир.

Диляфуза БОЙМИРЗАЕВА,
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ўқиш заллари хизмати I-тоифали мутахассиси

Мамлакат келажаги ёшлар қўлида экан, маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш — бу биз учун миллий эҳтиёжгина бўлиб қолмасдан, балки умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ғоят долзарб масаладир.

эҳтиёжи ортиб бораётгани, ахборот-ресурс маркази бўлган кутубхоналарда, жумладан, Миллий кутубхонада ҳам бу борада кўплаб ислохотлар амалга оширилганлиги, музейларимизнинг электрон нашрлар билан дунё маълумотлар оқимига қўшилиши, архивлар фаолиятига янги АКТларнинг жорий этилиши ҳужжатли ахборотдан, жум-

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий услубдаги касб-хунар коллежлари ва академик лицей биноларининг қад ростлаётганлиги республикамизда таълимга бўлган юксак эътиборнинг далилидир.

Кўзон компютер технологиялари касб-хунар коллежи ҳам истеъдодли ва иқтидорли ўқувчиларни тарбиялашда алоҳида ўрин эгаллаб келадиган таълим масканларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда ўқув масканида ком-

Интилиш

пютер ва компютер тизимларини солаш ва таъмирлаш техниги, ахборот-коммуникация технологиялари тизимини ишлатиш техниги, мультимедиа ва компютер графикаси, узатиш тизимларини ишлатиш ва монтаж қилиш техниги, тикувчилик ишлаб чиқариш, банк иши, бухгалтерия ҳисоби, менежмент, молия ихтисослиги бўйича 1690 нафар ўн-қиз тахсил олмоқда. Уларга 110 нафар ўқитувчи билим берипти.

Ёшларни келажакда етук мутахассис бўлишлари учун билим даргоҳи-

да барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, 50 ўринли қироатхона, дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланган ахборот-ресурс маркази, ёғи спорт зал ва ўйингоҳ мавжуд.

Ахборот-ресурс маркази ёшларнинг барча маънавий эҳтиёжларини қондирувчи улкан захирага эга десак, муболага бўлмайди. Негаки, унинг фондида ҳам илмий, ҳам бадий китоблар, ўқув ва услубий қўлланмалардан ташқари, электрон дарсликлар ҳам мухайё қилинган.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

ФАКТ

Копенгаген (Дания)даги Кириллик кутубхонаси Скандинавияда энг кўҳна ҳисобланади (1673 й.). Унда 500 минг жилд ва 20 мингта қўлёзма бойлиги мавжуд. Айниқса, санскрит, палий ва сингалез тилларидаги қўлёзмалар алоҳида қимматга эга.



Байрамона кайфиятда

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси Президент фармони ижросини таъминлаш тадбирларида фаол иштирок этишди

Маълумки, фармонда 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 68 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида бир қатор муҳим вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган эди. Эътиборлиси, собиқ жангчиларга бир марталик пул мукофотини тантанали ва байрамона кайфиятда топшириш маросимида биз — почта соҳаси ходимлари ҳам одатдагидек фаол иштирок этдик. Даставвал барча почта алоқаси тармоқлари ва алоқа бўлимлари ходимларига юқланаётган вазифа масъулияти доирасида етарли тушунчалар берилди. Хусусан, бир марталик пул мукофотларини кечиктирмасдан эгаларига етказиш ҳамда уларни умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда қозонилган ғалабанинг 68 йиллиги билан табриклашга асосий эътибор қаратилди.

Жамоамиз аъзолари уруш қатнашчилари ва ногиронлари истиқомат қиладиган қарийб 300та хонадонга анвойи гуллар билан боришди. Муҳими шундаки, саксондан ошиб юз билан юзлашган боболаримизнинг икки нафари алоқа соҳаси фахрийлари эди. Деновлик Доск Меридов ҳамда олтинсойлик Парда Султоновлар фронтдан қайтгач, сеvimли касбини давом эттиришган. Оддий, аммо нақадар химматли хизматлари билан эл-юрт хурматиға сазовор бўлишган фахрийларимиз иштирокида бир пиёла чой устида суҳбат курдик. Улар ортада қолган аёвсиз синовли кунлар машаққатларидан сўзлашар экан, бутунги дориломон кунларға шукроналик билдиришди.

Биз собиқ ҳамкасбларимизға Республика Президенти фармонига му-

вофик ажратилган беш юз минг сўмлик пул мукофоти билан бирга "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ҳамда филиалимиз совғасини ҳам топширдик. Кўрсатилган меҳр ва эътибордан табаррук боболаримиз, уларнинг оила аъзолари бениҳоя хурсанд бўлишди.

Денов шахрида ҳамда Олтинсой туманининг Тўхтамиш қишлоғида байрамона кайфият билан ўтказилган тадбирлар ходимларимизда катта таассурот қолдирди. Улар пенсионерларга, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ҳаммиша хурмат-эҳтиром кўрсатишга астойдил бел боғлашди.

Нуриддинхўжа НИЁЗОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Сурхондарё филиали директори
ўринбосари

ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали маъмуриятининг бир гуруҳ вакиллари уруш ва меҳнат фахрийси Аҳмад Жалилов хонадонида бўлишди.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган учрашувда Аҳмад ота суронли йиллар тўғрисида сўзлаб, тинчлик кунларининг қадри ҳақида ўз фикрларини билдирди.

— Урушдан кейинги йиллар алоқа соҳасида меҳнат қилдим, — дейди отахон. — Айниқса, мустақиллик йилларида қадриятларимизға бўлган эътибор туфайли биз фахрийларға чексиз эътибор қаратилиб келинмоқда. "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали раҳбарияти муҳим саналарда йўқлаб туришди, учрашув ва тадбирларға таклиф этишди. Ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг чеки йўқ. Осмонимиз тинч ва мусоффо бўлсин.

Шу кун Аҳмад Жалилов касбдошларига Қарши шаҳридаги мактаб, коллеж ва маҳаллаларда турли учрашулар ташкил этилаётганлиги тўғрисида кўп ва хўп сўзлаб берди.

Афтондил ИСМОИЛОВ



ФАКТ

Бир киши бир йилда ўртача 1140 мартаба телефон кўнғирогини амалга оширади.

Жасорат эгалари

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлими вилоят АКМ ва Ўзбекистон Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши билан ҳамкорликда Андижон бирлашган техника мактабида драматург, шоир ва ёзувчи Олимжон Холдор қаламига мансуб "Андижоннома" асари ва "Ишк ва рашк" насрий тўпламининг тақдироти ва Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб шахид кетган ватандошларимиз, юртимиз равнаки ва тараққиёти йўлида бор куч-ғайратини баҳшида этган юртдошларимизнинг ёркин хотираси ва урушда мардларча жанг қилиб, Ватанимизға эсон-омон қайтган жасорат эгалари бўлмиш фахрийларни қадрлаш мақсадида учрашув ўтказилди.

Тадбирни "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши раиси Набижон Маъмуров кириш сўзи билан очиб, хозирги кунда вилоят бўйича жами 345 нафар, шаҳар бўйича эса 43 нафар Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари борлиги, уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари келажагимиз эгалари бўлган ёшларимиз учун ибрат бўлишини таъкидлади.

Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси Хуршидабону, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари — истеъфодаги гвардия полковниги, 90 ёшли Саидмамад Исаев, 93 ёшли Патижон Абдуллаев, "Ватанпарвар" бирлашган техника мактабининг фахрийси, истеъфодаги полковник Эргаш Мўминовлар сўзга чиқишди.

Тадбир давомида Олимжон Холдор янги китоблари ҳақида маълумот берди ва шеърини топшимоқлари ҳамда ғазал ва мухаммасларидан ўқиб эшиттирди.

АКМ ходимлари томонидан Олимжон Холдор ижодига бағишлаб ташкил этилган "Андижон осмони" мавзудаги адабиётлар кўرғазмаси иштирокчиларни адиб ижоди билан яқиндан таништиришга хизмат қилди.

Н.АЗНАБОВА,
АКМ директори ўринбосари

Алоқачиларға

Ахборот асри бу — тезкор, югурик, Дунёни чирмаган ўргимчак тўрлар. Зумда хабар етар сунъий йўлдошдан Ва ё сузиб юрган бир космик бортдан.

Рақам тилға кирган ажаб аср бу, Унга чегара йўқ, макон ва замон. Агар Ойда туриб овоз берсанг ҳам Эфир тўлкинида бўлар намоён.

Кеча варрак тортиб учирган бола Нақадар шод эди бу кашфиётдан. Бугунги ёшлар-чи, роботлар ясаб, Анча илгарилаб кетди ҳаётдан.

Радио алоқа — бир ўйин, эрмак, Попов бош қотирган тилсиммас боқсанг. Нонотехнология инқилоблари Фанда кашфиётлар очар ҳар лаҳза.

Кўзнинг гавҳарида компютер зоҳир, Фикрингни ўқийди қай бир қурилма. Қон томир орқали юракка борар Энг нозик, энг зарур унсур бурилмай.

Хуллас, одамзоднинг зехниға қойил, Тасанно десанг кам аллақанчалар. Бунда сизларнинг ҳам хизматингиз кўп, Балли, баракалла, алоқачилар!

Бахтиёр ВАТАН ЎҒЛИ

Алоқачилимиз

(Кўшиқ)

Биз билан янада жўшқин бу ҳаёт, Жонсиз симларда ҳам мавжланар баёт. Танга куйдай инар шу битта калом, "Алло"дан бошланар салом-ассалом.

Давлатлар, миллатлар, элатлар аро, Узоқ-яқин манзил, бекаглар аро, Замин нима, ҳатто Қуёш, Ой қадар, Ўзимиз ҳам шодмиз элтиб хушхабар.

Нақорат

Дилларни дилларға боғлар ишимиз. Биз беминнат дастёр — алоқачимиз.

Темир из, гоҳ само, гоҳи уловда, Манзил сари шошиб, ҳатто пиёда, Ташиб мактуб ёки телеграммани, Яшаймиз дуосин олиб ҳаммани.

Бизға писанд эмас ёз саратони, Фанимат умрининг хар куни, они. Халал бермас ёмғир, қорбўрон, аёз, Дилдан ишлаш асли шудир, қандай соз.

Нақорат

Еру кўк, Мағрибу Машриқ — тўрт томон, Интернетда дунё қафтдек намоён. Бўлмайсиз овора тоғ, уммон оша, Мана сизға дўстим, сирли томоша.

Халол меҳнат билан етишдик шонға, Бир қадам илдамимиз хар бир замонда. Хар бир хонадонда биз бормиз ахир, Элнинг хизматидан топганмиз қадр.

Нақорат

Дилларни дилларға боғлар ишимиз. Биз беминнат дастёр — алоқачимиз.

Усмоножон ЙЎЛДОШЕВ

Касбга садоқат бор жойда

устоз ва шогирдлар кадри ҳам баланд бўлаверади

Ва яна тугилиб ўсган она-заминга, мустақил Ватанга бўлган чексиз меҳру муҳаббат ҳам бутун бўй-басти билан намоён бўлиб, хозирги ва келажак авлодларни мамлакат тараққиёти, халқ бахт-саодати, турмуш ободлиги ва фаровонлиги йўлида шукроналик ҳис-туйғуларига тўлган ҳолда яшашга ва меҳнат қилишга ундайверади.

Турли касбларнинг фидойилари ҳақида сўз борганда беихтиёр ана шундай хис-туйғулар қуршовида қолсан, киши. Кўпчиликка ибрат ва намуна бўладиган ҳар битта умр китоби зарвараклари эса қайта-қайта ўқишга ва ўқишга (айниқса, ёшлар учун) аризулик. Шу боис, Обод турмуш йили баҳонасида жондорлик алоқа соҳаси пешқадамларининг жўшқин фаолияти ва мазмунли ҳаёт йўли ҳақида имкон қадар хикоя қилиб беришни лозим топдик.

— Алоқа соҳасидаги кўп йиллик фаолиятим давомида нимаики ютукка эришган бўлсам, барча-барчасида раҳматли устозим — қатор йиллар Жондор туман алоқа (хозирги телекоммуникация) боғламаси жамоасига раҳбарлик қилган Ашур Азевоннинг салмоқли хиссаси, муносиб улуши бор, — дейди "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ёнғиндан сақлаш бўйича етакчи муҳандиси Рамазон Расулов. — Бундан анча йиллар олдин — 1976-79 йилларда туман алоқа боғламаси линия-техника цехи муҳандиси сифатида эндигина иш бошлаганимда Ашур ака нафақат менга, балки ўша пайтда ёш мутахассислар ҳисобланган Абдуназар Давронов, Узоқ Ашуров, кейинчалик эса Муҳиддин Гафуров, Аҳмад Рўзиев ва яна бошқа бир қатор ҳамкасбларимизга ҳам устозлик қилган эди. Унинг ўғит ва маслаҳатлари бутун бошли катта ҳаёт йўлимиз ва жўшқин меҳнат фаолиятимизда асқотгани рост.

Бу сўзларда жон бор, албатта. Туман алоқа боғламаси бош муҳандиси, вилоят алоқа инспекцияси назоратчиси, кейинроқ эса ушбу инспекция бошлиғи, Жондор туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи. Булар — Рамазон Расулов ҳаёти давомида босиб ўтган умр шиллапояларининг бир қисми, холос. Эътиборлиси шундаки, Рамазон аканинг ўзи бугунги кунда тиришқоқ ва ўз касбига астойдил меҳр кўйган Саъдулла Расулов, Акбар Азевон, Шерзод Тўхтаев, Иноят Раҳмонов, Жалил

Рустамов сингари шогирдларга талабчан устоз. Р.Расуловнинг ҳаёти ва иш фаолияти билан бевосита боғлиқ яна бир муҳим жиҳат. Бир-биридан меҳнатсевар ва жонкуяр ўғилларининг иккаласи ҳам ота касбини танлаган. Тўнғичи Рустам туман телекоммуникациялар боғламаси етакчи муҳандиси, Равшан эса ушбу боғлама АТСда катта электромеханик вазифасида ишлаб келишмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, айнан ана шундай ижобий жиҳатларни жондорлик бошқа бир қатор алоқачилар сулолалари мисолида ҳам кўрса бўлади. Ўз ҳамюртлари хурмат-эътиборига сазовор бўлган ана шундай сулола Тўхтаевлар оиласидир. Бундан салкам 40 йил олдин Тошкент электротехника алоқа институтини муваффақиятли битирган Ўроқ Тўхтаев иш фаолияти даврида туман алоқа боғламаси линия-кабел цехи муҳандислигидан "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари даражасигача бўлган йўлни босиб ўтган. "Мохир алоқачи" уйновига сазовор бўлган ушбу мутахассис хозирги пайтда масъулиятли яна бир вазифа — "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази" давлат унитар корхонаси директори лавозимида хормай-толмай ишлаб келяпти. Унинг ноини бугун нафақат Бухоро ва Жондорда, балки пойтахт Тошкентда ҳам кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Зотан, мамлакатимиз алоқа соҳасини ривожлантириш йўналишидаги истиқболли вазифалар ижросини таъминлашда Ўроқ Ганиевичнинг ўз ўрни, дадил ва таъсирчан сўзи, энг муҳими, раҳбарлик салоҳияти бор. Айнан ана шундай ҳамюртлари билан жондорликлар ҳақли равишда фахрланидлар. Кўпчилик алоқа соҳаси ходимлари эса Ўроқ Тўхтаевнинг ўзларининг биринчи устозлари деб биладилар.

Тўхтаевларнинг аҳил оиласи хусусида сўз борганда Ўроқ аканинг ота ўғилларига содиқ фарзандларидан бири — раҳматли Исоқ Тўхтаев ҳақида сўз

юритмасликнинг иложи йўқ. Бахтсиз ходиса туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмган бу навқирон йигитнинг айнан алоқа тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ орзулари мўл эди. Бу орзуларни бугунги кунда унинг укалари — Жондор туман ТБда АТС муҳандиси Нўъмон Тўхтаев ҳамда "Перфектум Мобайл" МЧЖ Бухоро филиалининг техник директори Шавкат Тўхтаевлар рўёбга чиқаришмоқда.

Ўроқ Ганиевичнинг укаси — Жондор ТТБ 1-тоифали муҳандиси Саломиддин Тўхтаев ҳам алоқа соҳаси фидойиларидан бири. У бугунги кунда туман телекоммуникациялар боғламасидаги меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича барча ишларга бош-қош. Унинг ўғли Шаҳобиддин ҳам алоқа соҳасига меҳр кўйган ёшлардан, айна пайтда у "East Telecom" МЧЖ қўшма корхонасининг Бухоро вилояти бўлимида техник ходим вазифасида ишлаб келяпти. Устозларининг доно маслаҳатларини ёш кўнглига жо этган бу йигитчининг истиқболи порлоқ эканлигининг унинг кундалик амалий иш натижаларидан ҳам кўрса бўлади.

Туманнинг Далмун кишлоқ фукастикомат қилувчи кишилар орасида ҳам устоз кўрган ота-ўғил алоқачилар йўқ эмас. Қурбон Шарипов ва унинг ўғли Бобир худуд аҳолисига анча йиллардан бери беминнат хизмат кўрсатиб келишяпти. Ушбу ҚФЙ раиси Тўлқин Олимов шу хусусдаги фикр-мулоҳазаларини мамнунлик билан баён этар экан, Янгибод, Пахтакор, Зандавоиз, Шаширғонор, Жўймин кишлоқлари аҳолиси моҳир электромонтёрлар — Қурбон ва Бобир Шариповлар хизматидан миннатдор эканликларини қайд қилиб ўтди. Ҳа, ўз ҳамюртлари-ю ишбошилари эътирофидан улўғроқ жижат йўқ, аслида. Алоқа соҳасининг ҳақиқий фидойилари кундалик машаққатли, аямо шарафли меҳнатлари билан буни даярли хар кун тўла исботлаб келишмоқда. Қурбон Шарипов бугунги кунда туман ТБ Бухоро кишлоқ телефон тармоғи линия иншоотларининг 6-даражали электромонтёри, Бобир эса Бухоро ҚТС телефон алоқа линия иншоотлари 6-даражали электромонтёри сифатида жонкуярлик билан иш олиб бормоқда. Ёзининг жазирасида ҳам, кишининг изғиринли кунларида

ҳам лозим бўлган тақдирда бу ота-ўғил алоқачиларни белгиланган иш участкаларида кўрсатиз. Улар ўз ҳамкасблари билан бирга кишлоқ телефон тармоғи муҳандиси Исом Файзиев бошчилигида алоқа линияларида учрайдиган узилишларни ўз вақтида бартараф этиш, кишлоқ аҳолисига сифатли алоқа хизмати кўрсатишни таъминлашга эришмоқдалар.

Ўз касбига садоқат, танлаган соҳаси билан фахрланиш ва ғурурланиш ҳис-туйғуси хикоямиз бошида тилга олиб ўтганимиз — "Мохир алоқачи" уйновни соҳиб Аҳмад Рўзиев онгу шуурида мужассам эканлигини у билан маълум муддат суҳбатда бўлган киши дарров илғаб олади. Аҳмад аканинг муҳим фазилятларидан яна бири — меҳнат қилгани орзу-умидларини ўз манфаатидан устун қўя олиш хусусияти устувор бўлгани боис, туман алоқа боғламасида узок йиллар давомида муҳандис бўлиб ишлаш билан бирга касбага уюшмаси кўмитаси раиси вазифасида ҳам изчил фаолият олиб борган. Ўз ҳамкасблари қувонч-ташвишларига шерик бўлиб яшаш, ёшларга яқиндан кўмакчи ва маслаҳатқўй бўлиш, гарчи Аҳмад ака хозирги пайтда нафақадан бўлса-да, уни заррача тарк этгани йўқ. У тенгқур ҳамкасблари ҳамда туман боғламасида турли йилларда ишлаган, хозирги пайтда эса қариллик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари — 90 ёшни қоралаб қолган Ҳамро бобо Жумаев, Иброҳим ота Бозоров, Гафур ота Сафаров, Ренат ота Сайфиддинов, Инобат Норова ва бошқа кўплаб меҳнат фахрийлари иштирокида қутлуг сана ва байрамлар муносабати билан ўтказиладиган бир пиёла чой баҳонасидаги катта-кичик тадбирларнинг фаол ташкилотчиси ва маслаҳатчиларидан биридир. Айнан ана шундай байрам тадбирлари давомида устозу шогирдлар тўғрисида ҳам тўлқинланиб сўз юритилади. Жондорлик яна бир соҳа шеҳрадами, "Шухрат" медали соҳиб, моҳир электромонтёр Фатулло Қорёғдиев ва унинг тиниб-тинчимас шогирдлари ҳақида ҳам ана шундай ширин ва бақамти суҳбатлар давомида илиқ фикрлар билдирилиб, азиз инсонлар шарафланади.

Аскар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

Обод оила

Бугунги кун ҳар биримиздан билимли бўлишни, ҳар бир воқеага теран фикр, зийрак нигоҳ билан ёндашишни, фуқаролик жамятида эркин, хур фикрли инсонларни баркамол қилиб тарбиялашни талаб этмоқда. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган "Кутубхона — иккинчи оила" клубининг навбатдаги "Озод юртнинг обод оиласи" мавзусида ўтказилган интеллектуал беллашуви ҳам ана шундай максатларнинг сифатида тайёрланди.

Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида ўтказилган

оилавий беллашувда клубнинг фаол китобхонлари — Андижон шаҳридаги "Майдонбозор" МФЙдан Исмоиловлар оиласи, Олтинқўл тумани "Чаккон" МФЙдан Маликовлар оиласи ҳамда "Иттифок Гулбоғ" МФЙдан Юнусовлар оиласи қатнашди. Улар фарзандлар тарбиясидаги муҳим жиҳатлар, кундалик ҳаётда керак бўладиган тиббиёт, пазандчилик сир-асрорларини ўз ичига олган олғита шарт бўйича беллашдилар. Қизиқарли ва хаяжонли лаҳзаларга бой, шиддатли, ақлий интеллектуал курашлар натижасида Юнусовлар оиласи биринчи, Маликовлар оиласи иккинчи, Исмоиловлар

оиласи учинчи ўринга сазовор бўлдилар ва уларнинг ҳар бирлари "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимининг 1, 2, 3-даражали дипломлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тадбир сўнггида АКМ директори Г. Исмоилов сўзга чиқиб, китобсевар оилаларнинг беллашуви бугунги куннинг долзарб мавзусида бўлганлиги, маънавиятни, маданиятни китоб ўқиш орқали янада чуқурлаштиришимиз мумкинлиги, бунда кутубхоналаримиз вилоятимиз аҳолисига яқиндан кўмакдош бўлаётганлигини айтиб ўтди ва тадбир иштирокчиларига АКМнинг эсдалик совғаларини топширди.

Дурдонахон ЭГАМБЕРДИЕВА,
АКМ 1-тоифали кутубхоначиси

ФАКТ

Бизга
йўлдош катнаш
налли узоқгача
космик йўлдошгача
масофа 35 минг
километрдан узоқ.

Ўтавларнинг охири ошди

"EMS-FALCON" МЧЖ жамоаси қуреп

Абдусолиҳ НАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Артел" компанияси CDMA стандартидаги уяли телефонлар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Учқизил телемачтаси

Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги Учқизил шаҳарчасида қад кўтариб турган телемачта ҳар бир секцияси 18 тонна бўлган темир устунлардан иборат бўлиб, телемачтанинг узунлиги 350 метрни ташкил этади.

Телемачта қурилишида ўзларининг катта меҳнатлари билан раҳбарлик қилган устозларимиздан Олимжон Эшон-ов, Ботир Курбонов, Аширрали Даминовларга доимо тасаннолар айтамыз. Телемачтани ишга тушириш учун, ўша вақтдаги лойиҳага кўра, 50 кВт кучланишли иккита мослама: радиотўлқин таркатувчи "Дожд-24" русумли узатгич ва Финляндиядан 700 метрлик махсус "волновод" (тўлқинўтказгич) кабели олиниб монтаж қилинди. Қурилишда фаол иштирок этганлардан М.Тўрақулов, С.Авдиев ҳамда Э.Примкуловларнинг меҳнатлари жуда катта бўлган. Мен шу қурилиш ишлари бажарилишида раҳбарлик қилганман.

Учқизил телемачтаси 1988 йили ишга туширилди. Мана шу бунёдкорлик иши — Учқизил телемачтаси барпо этилганига бу йил 25 йил тўлади. Шу муносабат билан, мазкур қурилишда иштирок этган барча ҳамкасбларимизни самимий табриқлайман.

М.МУҲАМАДИЕВ,
профессор

Гажак мағиз "мазаси"

"Хабар газетасининг 2013 йил 19 апрелдаги 16-сонидан берилган "Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё" деб номланган мақолани ўқиб, атрофимизда содир бўлиб турадиган шунга ўхшаш воқеликларнинг жамиятга таъсири ҳақида ўйлаб қолдим.

Филиалимизда бўлиб ўтган "Ободлик кўнгиладан бошланади" деб номланган маънавият соатида ушбу мақолада кўтарилган мавзунинг муҳокама этдик.

Жамоамиз мақола мавзусининг турмуш ободлиги йўлида олиб борилаётган ишлар жараёнида канчалар долзарб эканлиги ва афсуски, бундай ҳолатлар ҳаётимизда учраб туриши ҳақида фикр алмашдиклар.

Шуниси ачинарлики, тўй-ҳашамларда хали ҳам санъаткорлар сони, кийдирилган тўнлар сифати, сарпо-сурувлар турлари у юрда ишлаб чиқарилганлигига қараб қудаларга баҳо берувчилар талайгина. Лекин ўша дабдаба-замма-лардан сўнг бўлаётган кўйди-чқидилар вақтида ўша одамлар учун сичқоннинг ини минг таंगा бўладию, тўн кийиб, сарполик бўлиб, саккиз хил таомни еб, мактаб-мактаб кетганлар бу оилани тикланишида ёки ёшларни йўлга солиш ишларида томошанинг айлиниб тураверадилар.

Бу борада мен бир кўшним билан бўлган кичик суҳбат гувоҳи бўлганлигим ҳақида айтиб бермоқчиман.

Учинчи қаватда турадиган кўшнимиз тўнғич ўглини уйлантириш тўйига бир кун қолганида кўшни аёлларни чақириб қудалар учун тайёрлаб қўйган совға-саломларини кўрсатиб маслаҳатлашган бўлди. Олтинчи қаватда яшайдиган кўшнимиз Шахнозани эса у билан анчадан бери гаплашмай қўйганлиги учун чақирмади. Маслаҳатни ўтказиб, аёллар уйларига таркала бошлаган вақтда Шахноза зинада туриб олиб, қудаларга тайёрланган совға-саломлар ва тўққиз-тўққизларни суриштира бошлади. Кўшнилари қувонч билан ҳаммаси жуда яхши, меъёрида, дастурхонлари тўқин-сочин деб мактай кетишди. Шунда бошқа гапга ўрин қолмаганида Шахнозахон "Дастурхонда гажак мағиз борми?" деб сўради. Аёллар йўқлигини айтишди. Баҳона излаб тополмай турган Шахнозахонга эрмак топилиб, роса

бир йил қудаларнинг дастурхонига гажак мағиз қўйиш зарурлиги ҳақида гапирди. Йиллар ўтиб Шахнозахон ҳам келин туширди. Дастурхонда гажак мағиз ҳам бор эди, албатта. Лекин мана уч йилдирики, Шахнозахон келинидан, келин эса қайнонасида дод деб маҳаллада муҳокама этилди. Учинчи қаватдаги кўшнимиз эса ҳозирги кунда уч нафар неварали бўлди ва кейинги ойда яна бир тўй қилиб, қизини узатяпти. Келинининг ота-оналари билан қарши куда бўлиб қизини ўша қудаларига келин қилиб бермоқда. Қудалари гажак мағиз ема-са ҳам яна қайта бирга тўй қилишяпти. Шахнозахоннинг қудалари оғзидан эса гажак мағиз мазаси аллақачон кетиб бўлган. Шундай эканлигини билса-да кишининг дастурхонидига таом турини, тилла тақинчоқлари ва уйларнинг хашаматига қараб у билан муомала қилиши қолмади-қолмади. Бундай одамлар егулик ва хашаматнинг умри қисқа эканлиги ва ҳаётимизни фақат хурмат-иззат ҳамда эзгулик, ҳалол меҳнат мевасигина обод қилиши мумкин эканлигини нахотки тушуниб етишмасам?!

Матлуба НАСРИДДИНОВА,
"ТШТ" филиали ходими

Самарадорликка эришайлик

Кундалик ҳаётимизни "зангори олов" сиз тасаввур этиш қийин. У энг қулай ёқилғи сифатида турмушимизда кенг қўлланилади. Ундан тўғри фойдаланиш, хавфсизлик қондаларига қатъий амал қилиш хотиржамлигимизни таъминлайди. АКС ҳолда, озгина эътиборсизлик оқибатида чиққан ёнғин оилага, давлатга катта моддий зарар етказиши мумкин.

Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилига камида бир марта тозаланиши лозим. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг гугурт билан ўйнашига бепарво қараш ёнғинни келтириб чиқарувчи сабаблардан саналади.

Учқун тегиши билан ёниб кетадиган айрим нарсалар борки, уларни печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Лак, бўёқлар, мебеллар, синтетик кийимлар шулар сирасига кирди. Ҳозир кўп қўлланиладиган кимёвий моддалар, каучук ва пластмассадан ясалган турли буюмлар тез ёнишдан ташқари кўплаб зарарли моддалар ҳам ажратиб чиқаради. Ёнғинга қарши курашишда замонавий техника воситалари самарали қўлланилмоқда. Ана шу воситалар орасида ёнғин хавфи ҳақида зудлик билан хабар берувчи хабарлаш воситалари, назорат мосламалари муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Европа,

Америка қитъасининг кўплаб давлатларида ёнғин хабарлаш воситалари, назорат мосламалари, қабул-назорат асбобларининг замонавий турларини ишлаб чиқарадиган кўплаб корхона, фирма, компаниялар мавқеи юқори туради. Республикада ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий ҳамда ўз корхоналаримизда ишлаб чиқариладиган назорат мосламалари ва хабарлаш воситаларига бўлган талаб юқори. Бу мосламаларни ўрнатилган орқали ёнғин туфайли келадиган моддий ҳамда одамларнинг ҳаёти, соғлиғига етказиладиган зарарнинг олди олинади. Шу туфайли ҳам бугунги кунда хавфсизликни таъминлашнинг самарадорлигини юқори даражага етказиш ҳисобидан одамларнинг ҳаёти ва кундалик эҳтиёжи учун талаб қилинадиган жиҳозларни муҳофаза қилмоқ зарур.

Равшан СОТИБОЛДИЕВ,
12-ХЕҲО 1-ХЕҲ алоҳида
пост инспектори, кичик сержант



FOTO-XABAR



Қувасой шаҳар 2-умумтаълим мактаби қошидаги ахборот-ресурс маркази энг илғор ахборот технологиялари билан жиҳозланган, уч мингдан ортиқ китоб фондига эга. Марказ ўқув залига замонавий компютерларнинг ўрнатилиши мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, китобхонлар учун катта қулайлик яратди.

СУРАТДА: ахборот-ресурс маркази ходими Мухайё НАЖМИДДИНОВА.

ЭЪЛОНИ

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Шерали УНГАРОВ номига 2012 йилда берилган 1310112-рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ФАКТ

Компютер қурилмаси чанг билан оддий мебелга қараганда бир неча чандон тез қопланади.



Табриклай.уз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиали жамоаси Асака почта алоқаси тармони ҳисобчи-тафтишчиси Раимжон ХАМРОҚУЛОВни, бош ғазначи Лутфиддин НУРДИНОВ ва "Нидёботир" алоқа бўлими бошқисми Мадамиджон НИШОНОВларни таваллуд айёмлари билан табриқлайди. Уларга сичқат-саломатлик, узок умр, фарзандлари роҳатини кўришни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Риштон ПАТ ходими Бизура ДАДАЖОНОВАни 55-баҳори, Водил ПАТ ходимлари Турсунали ХАСАНОВ ҳамда Зайлобиддин ЖОНТЎРАЕВни, Қувасой, Бешариқ, Қува ПАТ ходимлари Наталия ЧЕБОТАРЁВА, Баҳриддин ҚУРБОНОВ ва Қодирали МЎЙДИНОВни 50-баҳори билан табриқлайди. Уларга энг эзгу тилақларини йўллайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Бағдод ТБ ходими Абдуваҳоб НАЗАРОВни муборак 60 ёши, филиал ходимлари Хамдамжон МАМАЖОНОВни 55, Абдувоҳид ЖАМОЛОВни 50 ёши билан чин дилдан қутлайди. Уларга соёмонлик, узок умр, фарзандлар роҳатини кўришни тилайди.

НАМКАСБИГИЗ ТАВСИЯСИ

СИЗГА ДАРМОН
БЎЛАДИ

Баҳор фаслига кексаларимиз иликузилди пайти, деярлик берилади. Сабаби, айнан шу фаслда танамиздан қувват кетиб, турли дармондориларга муҳтож бўламиз. Бугун мен сизларга танамизга қувват бўлувчи салатни тавсия этмоқчиман.

Бунинг учун зарур масалликлар: 200 грамм янги узилган бодринг, 150 грамм қизил сабзи, 200 грамм помидор ва шунча миқдорда олма, 100 грамм қаймоқ, ошқўқлар, шакар ва таъбага кўра туз.

Тайёрланиши: бодринг, сабзи ва олма ювилиб, пўсти арчилади ва хоҳлаган шаклда тўғралади. Уларга майда тўғралган ошқўқлар қўшилиб, каттароқ идишга солинади. Сўнг қаймоқ, лимон шарбати, таъбага кўра туз ва шакар сепилиб, яхшилаб аралаштирилади. Ликопчаларга солиниб, усти кўкатлар билан безатиладиган салатни болалар ҳам севиб истеъмол қилишади.

БУЙРАГИНГИЗ
ОГРИСА

Бувим кўпгина касалликларни уй шароитида даволайди. Шулардан бири буйрак оғриғидир. Бувимнинг тавсияларига кўра, агар буйрагингиз оғриси, оддий ёнғоқ мағиздан фойдалансангиз бўлади. Яъни, 50 грамм ёнғоқ мағизни туйиб, бир стакан сутга солсангиз. Уни яхшилаб қайнатиб, сўнг совутасиз. Кун давомида уни ичиб юрсангиз, буйрак оғриғидан бир неча кунда фориғ бўлишингиз мумкин.

Сайёра МАҲАТОВА,
"ПШТ" филиали ходими

Ёмғир ёғаётганда дераза олдида хаёл суришдан ёқимли ҳолат бўлмас керак. Тўғриси айтиш, кўпинча хаёлларимиз мавзуси кўп пул топиб, бойиб кетиш ҳақида бўлган, тўғрими? Бунинг айб жойи йўқ. Ҳаттоки, осмондан ёмғир ўрнига пул ёғишини орзу қилсангиз ҳам бу рўё эмас, айна ҳақиқат бўлиши мумкин. Ишонмаяпсизми? Унда куйидаги воқеалар билан танишинг-чи.

1888 йили Деҳли аҳолиси шариллаб ёмғир ёққанига ўхшаш товушдан уйғониб кетишди. Эрталаб эса шахарликлар ховлиси мустамлака давридаги инглиз чақаларига тўлиб кетганини кўришди. Бу тангалар тартиб билан сочилган бўлиб, тўғри ёй ўқи шаклини хосил қилар, учи эса фарб томонини кўрсатиб турарди. Уша йили Лондоннинг "Пилл" газетаси ҳаммага маълум бўлган нарсаларни яна бир бор тасдиқлади. Қиймати бир пенс ва ярим пенсга тенг бўлган, ярақлаб турган тангалар "осмондан тушди"ми ёхуд ердан отилиб чиқди"ми, ишқилиб, мактабдан қайтаётган ўқувчиларнинг оёқлари остига уюлиб қолди.

1967 йили 6 январда "Бат кроникл" газетаси (ГФР) ибодатхона ёнида тиңчи на сўхбатлашиб ўтирган рухонийлар устига хар бирининг қиймати икки минг марка бўлган қоғоз пуллар "ёққани"ни, бу эса анча қашшоқлашиб қолган ибодатхона яна ўнглашиб олиши учун бемалол етганини хабар қилган.

Яна бир қизиқ воқеа. Ўзининг аэрокосмик кўрғазмалари билан донг таратган Ле



ёхуд бир лаҳзалик хаёл

Буржеда 1957 йил 15 апрелда "пул бўрони" юз берган. Ушанда минг франкли қоғоз пуллар тепадан аввал тахлами билан туша бошлаган, кейин эса худди кўринмас зарб машинаси ишлаётгандек шундоқкина асфалт устида ўз-ўзидан пайдо бўла бошлаган. Полициячилар офсет бўёғининг хиди анкиб турган яп-янги пуллари йиғиб олинган.

1968 йил 10 сентябрда Кент графлигидаги Рамсгейт шаҳарчасида яшовчи Луиза Крофтининг ховлисида осмондан "50 дона бир пенслик тангадан иборат "совға" тушди. Тангалар 15 дақиқа давомида қисм-қисм бўлиб, "улашиб" турилган. Шунингдек:

*1911 йили Франция, Буюк Британия, Шотландия, Италия, Россияда осмондан кумуш қоғоз — фолга ўрамлари, тикув

машиналари учун қоғоз халтачалар, эриб кетган яшил шиша бўлақлари, милтик учун сочма ўқлар, нам торган порохлар "ёққан".

*1932 йили Баварияда аммиакли селитра ёғиб, ҳамма ёқни кўмиб ташлашига сал қолган.

*1936 йили Нью-Йорк аҳолиси олти марта ёққан аъло сифатли пўлатдан ясалган болт ва гайкалар "ёмғир"ни жуда яхши эслаб қолган.

*XX асрда мовий осмондан тирик қўйлар, мушуклар, итлар, балиқлар, яроқсиз металл буюмлар, автомобил шиналари, болғалар, сочма ўқлар, милтик, тўп ўқлари, авиация моторлари, примуслар, митти радиоускуналар ва кўпгина бошқа нарсалар ёққани ҳақида ҳам хабарлар босилган.

Афтондил ИСМОИЛОВ тайёрлади

FOYDALI MASLAHATLAR

- Жун матодан тикилган кийимларни чайишда сувга озгина глицерин суюқлигидан қўшсангиз, мато юшмоқ бўлади.
- Синтетик мато алоҳида эътиборни талаб этади. Бу матодан тикилган кийимни уч-тўрт марта кийгандан кейин дарҳол ювиш лозим. Чунки бундай мато теридан ажралиб

чиқувчи ёғларни ўзига синдириб олиш хусусиятига эга.

● Трикотаж-жун матосини чайишда эса истеъмол содасидан фойдаланинг. Бу сода мато рангини тиңиклаштириб, ундаги тер хидини бартараф этади.

● Оқ пайпоқларни оқартириш учун беш литр сувга бир ошқоқчи борат кислотасидан солиб, 1-2 соатга иви-

тинг. Сўнг енгилгина ишқалаш билан ҳам қорамтир доғларни кетказа оласиз.

● Жинси матодан тикилган кийимларни биринчи бор ювишда 12 соат давомида тузли илик сувда ивтиш керак. Агар уни кир ювиш машинасида ювмоқчи бўлсангиз, тескарисига ўгириб солинг. Чайганингиздан кейин уни сиқмасдан ёйиб қўйинг.

SALOMATLIK

Ток баргининг
фойдалари

Узум мевалари инсон организми учун қанчалар фойдали бўлса, ёш ток барглари фойдалари ҳам ундан қолишмайди. Зеро, ток баргида 2 фозиз канд, кўп миқдорда С витамини, каротин инозити, кварцетин, батаин ҳамда протокактинат кислотаси мавжуд. Халқ таъбаотида ёш ток

барглари ва новдаларидан гипертония (артерияда қон босимининг ошиб кетиши) ҳамда қандли диабетни даволашда ишлатилади. Бунинг учун ток баргларида тайёрланган дамлама ва кукундан фойдаланилади.

Ток баргларида йил давомида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун май ва

июн ойларида текис ток барглари йиғасиз ва яхшилаб ювиб, шиша банкаларга жойлайсиз. Сўнг устидан қайноқ сув қуйиб, тунука қопқоқ билан бекитасиз. Уқувли бекаларимиз ана шу йўл билан оила аъзоларига қиш фаслида ҳам тоқ оши тайёрлаб берадилар.

BILASIZMI?

АВЛОД ҲИМОЯСИ

Гўдак йиғиси, эркак ёки аёлликдан қатъи назар, инсондаги чаққонлаштириб юборадиган ички механизми ишга тушириб юборар экан. Оксфорд университети олимлари резина тўқмоқ билан хайкалчаларга зарба берувчи оммабоп аттракцион ёрдамида бунга амин бўлишди. Мусика "жўрлиги" сифатида турли товушлар, жумладан, бола йиғиси ёзиб олинган товушини ҳам қўйишди. Айнан бола товуши орқали одамлар энг кўп очко тўплашга муваффақ бўлишди, яъни гўдак қийин ахволга тушиб қолганини эшитган одам шу ондаёқ таъсирлана бошлади — тана болани қутқаришга фоят қисқа фурсат ичда шайлиниб улгурди.

Боланинг кўз ёшлари инсон қонидаги тестостерон миқдорини ошириб юборди ва бу авлодини химоялаш заруриятидан келиб чиқади, дейишмоқда олимлар.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚўМАНДИСИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2006 йил
6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ,
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Сувон НАЖБИДИНОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир уринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар оғаларига қайтарилмайдиган.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Наширимиздан қўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
хафтанинг
жума кунин
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Маязи: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-552 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 15710 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилиди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Набатчи: Усмолжон ЙҮЛДОШЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда
226-47-80

Бухорода
223-27-85

Гулистонда
40-12-19

Жиззахда
226-06-34

Навоийда
225-91-10

Наманганда
232-97-86

Нукусда
554-35-45

Самарқандда
233-61-81

Термизда
224-06-12

Тошкентда
288-40-66

Урганчда
226-37-16

Фарғонада
224-18-05

Қаршида
931-08-99